БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 69 (11818).

Жума, 24 март, 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА СУРЪАТ ОШМОҚДА

Қувасой цемент комбинатининг ишчи-хизматчилари жонажон партиямизнинг навбатдаги съездини муносиб меҳнат совғалари билан ишонлаш учун курашиб, қувончли натижаларга эришаётирлар.

Суръатга-суръат қўшиб меҳнат қилаётган қувасойлик цементчилар январь ойи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари адо этдилар. Пландан ташқари 1100 дона шифер, 100 тоннага яқин оҳак ҳамда бир неча минг тонна цемент ишлаб чиқардилар. Февраль ойида ишлаб чиқариш планлари бундан ҳам орттириб адо этилдики, бунда социалистик мусобақанинг авж олганлиги катта ёрдам берди. Мусобақа ғолибларидан шифер цехининг ишчиси Б. Саймудинов, оҳак цехининг мастери Б. Конков, айланма печь машинистлари Т. Тешабоев, М. Ҳасанов ўртоқлар смена топшириқларини муттасил орттириб бажаришлари, маҳсулотларини сифатли тайёрлаганликлари билан бошқаларга намуна бўлаётирлар.

Ирмоқлардан дарёлар ҳосил бўлганидек смена, ойлик топшириқлари, квартал планлари тез ва эртароқ бажарилса, йиллик план ва мажбурият ҳам муддатидан илгари адо этилади. Буни яхши билган комбинат коллективи ҳозир хўжалик йилининг 1-квартали планини белгиланганидан 5 кун илгари бажариш учун суръатни ошираётирлар.

Ш. САЙДУМАРОВ.

ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИГА МЕҲНАТ ТУҲФАСИ

Бутун совет халқи тарихий воқеага — КПСС XXII съездига зўр ҳозирлик кўрмоқда. Съезд чақирилиши тўғрисидаги хушхабар тарқалган кундан бошлабоқ республикамиз меҳнаткашлари коммунизм қурувчиларининг бу улуғ йигинига муносиб меҳнат совғалари тайёрлашга бел боғладилар. Бу ташаббусни энг йирик ва илғор саноат корхоналаримиз ва қурилиш ташкилотларимиз бошлаб беришди. Қолган барча коллективлар уларга эргашдилар.

Шу кунларда завод ва фабрикаларимизда, шурхона ва конларимизда, қурилиш майдонларида ваъдага вафо қилиш ва съезд шарафига олинган мажбуриятларни тўла-тўкис бажариш учун қизғин кураш бормоқда. Партия ташкилотлари бу курашнинг ташкилотчилари, бевосита иштирокчилари ва омманинг йўлбошчилари бўлмоқдалар.

Республикамиз фахри, жаҳонга машҳур «Ташсельмаш» заводининг ижодкор ва меҳнатсевар коллективи зиммага олинган мажбуриятни шараф билан бажариш намуналарини кўрсатмоқда. Ҳар куни йиғув цехи конвейеридан графикда белгиланган миқдорда «ХВС-1,2» машинаси чиқмоқда. Йил бошидан бери Ўзбекистон ва бошқа пахтакор республикаларга мингга яқин ана шу ажойиб пахта териш агрегати жўнатилди. Коллективнинг аҳди — 10 ойлик планни съезд очиладиган кунгача бажариш ва йил охиригача 5 мингдан ортиқ машина ишлаб чиқаришдир.

Завод коллективи бу катта мажбуриятни кун сайин бажариб келаётганига бош сабаб шуки, корхона партия комитети ғоят ташаббускорлик билан ишлаб, бутун коллективни партия ва ҳукумат қўйган вазифаларни бажаришга, пахтакорларимиз умидини рўёбга чиқаришга отлантирмоқда. Ҳозир тўртта цех, 105 та бригада коммунистик меҳнат коллективи, 800 азамат коммунистик меҳнат зарбдори номини олишга муяссар бўлган. Яна неча ўнлаб бригада ва юзлаб кишилар шу шарафли номни олиш учун қизғин меҳнат қилмоқда.

Ваъдасига вафодор, бир сўзлик бундай коллективлар республикамизда кўп. Оҳангарон шахтёрлари йил бошидан бери планга қўшимча бир неча эшелон кўмир қазиб чиқариб, халқимизга тортиқ қилдилар. Янгийўл гидролизчилари ва консервачилари биринчи квартал планини муддатидан анча илгари ўринлатиб қўйдилар. Пол резина-техника заводи коллективи республикамизда биринчи марта миллий калишлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб юборди.

Лекин шуни қайд қилиш керакки, баъзи саноат корхоналари 1961 йилнинг дастлабки ойларида кўнгилдагидек ишламади. Икки ойлик планни Халқ хўжалиги кенгаши корхоналаридан 41 таси, февраль ойи планини маҳаллий саноат Бош бошқармаси корхоналаридан 14 таси бажармаганлиги ачинарли бир ҳолдир. Қишлоқ хўжалигига, энг муҳими — пахтачиликка ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига зарур машиналар, механизмлар етказиб берадиган 17 машинасозлик корхонаси икки ойлик планни бажармади. Трактор йиғув заводини олиб кўрайлик. Бу корхона коллективи маҳсулотнинг баъзи турларини ишлаб чиқариш топшириғини оширибгина адо этди. Лекин, чигит экиш ва ғўзани парвариш қилиш учун энг керакли маҳсулот — «ДТ-24» трактори ва «универсал»ни қайта мослаштиришга зарур бўлган деталларни белгиланганидан анча кам ишлаб чиқарди. «Ташавтомаш» заводи автомобилларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш икки ойлик планини атиги 62 процент бажарди. Андижондаги ирригация машинасозлиги заводида аҳвол бундан ҳам ёмон.

Ҳамиша планларни ва олинган мажбуриятларни ортиғи билан бажариб келаётган маҳаллий саноат корхоналаримиздан бир қанчаси қониқарсиз ишлаётгани кишини ажаблантиради. Фарғона областининг ўзида маҳаллий саноатга қарашли 7 корхона, жумладан, Фарғона мебель фабрикаси, Қўқон металл буюмлари заводи, Тошлоқ шойи тўқиш фабрикаси сингари корхоналар ёмон ишлади.

Баъзи саноат корхоналарининг қониқарсиз ишлаётганига асосий сабаб шуки, бу корхоналарнинг маъмуриятлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишлаб чиқаришни яхши уюштирмаётирлар, ишчи ва хизматчиларнинг, инженер-техник ходимларнинг ижодий ғайрат ва ташаббусини белгиланган планлар ва олинган мажбуриятларни тўла ва ошириб бажаришга яхши сафарбар этмаётирлар, уларга қулай меҳнат ва маиший шароит яратиб бермаётирлар. Район, шаҳар ва область партия комитетлари эса бу корхоналарни илғорлар қаторига ўтказиш учун зарур чораларни вақтида кўрмаётирлар.

Республикамиз саноати ишида кейинги йилларда мутлақо кўрилмаган бундай ҳолнинг рўй беришига Халқ хўжалиги кенгаши, унинг тармоқ бошқармалари, маҳаллий саноат Бош бошқармаси ва республика Госплани ҳам айбдир. Улар кўпгина хомашё ва материалларга заявка беришда ва бу хомашё ҳамда материалларни корхоналарга етказишда катта камчиликларга йўл қўймоқдалар.

Рўй берган аянчли аҳволга тез хотима бериш ва чиқарилмай қолган маҳсулотларнинг ўрнини дарҳол тўлатиб юбормоқ учун корхоналардаги партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ички резервларни қунт билан излаб топишлари ва ишга солишлари, мавжуд машина ва ускуналардан самарали фойдаланишни ташкил этишлари, бутун коллективни қолоқликдан чиқиб, илғор корхоналарга тенглашиб олиш учун курашга отлантиришлари лозим.

Халқ хўжалиги кенгаши ва республика Госпланининг вазифаси шуки, улар саноат ва қурилишни бошқариш қайта қурилганлиги натижасида ҳосил бўлган қулай имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланишлари, республикамизнинг ўзидаги табиий ресурсларни ишга солишлари, корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини яна ҳам такомиллаштиришлари, моддий-техника таъминотини намунали йўлга қўйишлари зарур. Халқ хўжалиги кенгашининг тармоқ бошқармалари корхоналар маъмуриятига амалий ёрдам беришни кучайтиришлари, бунда асосий эътиборни қолоқ корхоналарни илғорлар даражасига кўтаришга, ўртача ва илғор корхоналарнинг бундан ҳам яхшироқ ишлашига эришишга қаратмоқлари керак.

Саноат корхоналаридаги камчиликларни тезда тугатишда район ва шаҳар партия комитетлари зиммасига катта масъулият тушади. Улар бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига ишни тўғри ташкил этишда кўмаклашишлари, конкрет йўл-йўриқлар беришлари, бошланғич ташкилотларни билимдон, сергайрат ёш кадрлар билан мустаҳкамлашлари лозим.

Партиямиз XXII съезди меҳнат илҳоми қўзғаган зўр ҳаракатдан фойдаланиб, шуни эришайликки, яқин вақт ичида битта ҳам қолоқ корхона, қолоқ цех, қолоқ бригада ва қолоқ ишчи қолмасин. Ҳар бир корхона ва қурилиш коллективи давлат планининг эмас, олинган мажбуриятни ҳам ортиғи билан бажарсин.

КПСС XXII съезди шарафига бошланган мусобақани ҳамма жойда яна ҳам авж олдирайлик!

ҚОЗОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА

Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Г. Хваннинг нутқини Қозоғистон қишлоқ хўжалик илғорлари кенгаши қатнашчилари зўр қизиқиш билан тингладилар. Ўртоқ М. Г. Хван кенгашда ўз колхозининг ишлари тўғрисида сўзлаб берди. У саҳнага баландлиги 6 метрдан ортиқ бўлган маккажўхори поясини ва катта маккажўхори сўталарини олиб чиққанида ўртоқ Н. С. Хрушчев қаҳрамон раисни ва у раҳбарлик қилаётган илғор хўжалик аъзоларини катта ғалаба билан табриклади.

СУРАТДА: Н. С. Хрушчев В. Н. Куликов ва М. Г. Хван билан суҳбатлашмоқда.

С. Смирнов фотоси.

Илғор хўжалик экишга шай

Андижон районидаги «Партия XIX съезди» колхози ўтган йили она-Ватанга 5550 тоннадан ортиқ пахта сотиб, планни ортиғи билан бажарди. 1426 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилди. Асосий майдондаги ҳосил машинада териб олинди.

Шу колхозга қўшни бўлган Ленин номли колхозда бултур пахта тайёрлаш давлат плани бажарилмай қолди. Бу колхоз яқинда «Партия XIX съезди» колхози бидан қўшилиб йириклаштирилди. Колхозга Ленин номи берилди, унинг пахта майдони 2025 гектарга етди. Ҳозир колхозда кўкламга тайёргарлик айниқса қизғин бормоқда. Ҳамма пахта майдони кузда сифатли шудгор қилиб қўйилган. 11 та автомашина, 4 та автокачка ва 43 та арава билан далага кунига 300-320 тоннадан ўғит ташиб чиқарилмоқда. Дала бошига чиқарилган гўнг махсус чуқурларда сақланмоқда.

Колхоз пахтакорлари етти йилликнинг учинчи йилида 2025 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олдилар.

32 та сеялка, 40 та трактор, 45 та культиватор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг ҳаммаси ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилди. Бу йил колхозда 1700 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилади. 32 та экипажнинг аъзолари чигитни квадрат-уялаб экиш қоидаларини пухта ўрганмоқдалар.

Колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини чуқур ўрганмоқдалар.

Т. АШУРОВ,
Р. СОБИРОВ.

Пахтакорлар келажак ҳақида ўйлайдилар

(ПАХТАЧИЛИККА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШ)

Капрон... Нейлон... Орлон... Перлон... Штапель... Газлама ишлаб чиқариш учун кимёгарларимиз яратган бу хил сунъий толалар сон-саноқсиз. Аммо пахта толаси тўқимачиликдаги асосий хомашё бўлиб келди, шундай бўлиб келмоқда ва шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистон қишлоқ ва ўрмон хўжалиги илмий-техника жамияти томонидан Тошкент Олий партия мактаби билан биргаликда ўтказилган иқтисодий конференция қатнашчилари айтиб ўтган ва биринчи қарашда қуруқ бўлиб кўринган рақамлар катта маънога эга. Улар ажойиб истиқболларни очиб кўрсатади. Совет Иттифоқи пахтакорлари 1965 йилда 6 миллион 383 минг тонна, яъни етти йиллик план юзасидан КПСС XXI съезди директиваларида кўзда тутилганига нисбатан 283 минг тонна кўпроқ пахта бериш мажбуриятини олдилар. Шу пахта толасидан тўқилган газлама билан улкан планетамизни 275 марта ўраб чиқиш мумкин.

ПАХТАЧИЛИКДА ПОТОК ЛИНИЯСИ

Асосий докладни қилган иқтисод фанлари кандидати Н. Г. Сапильников ўз докладида айтдики, пахта етиштириш, ҳосилни териб олиш ва теримдан кейин ишлашнинг поток технологияси совет пахтачилигининг эртанги кунидир. Бу технология жадал ишлайдиган тракторларни, ўзиюрар шассиларни, автоматлар ва кибернетик ускуналарни қўлланишга асосланади.

Бугинг учун ҳозирдаёқ шарт-шароит яратилди. Умуман Совет Иттифоқида экин майдонларининг ҳар юз гектарига ҳисобланганда қишлоқ хўжалигининг энергия билан таъминланиши 70 от кучини ташкил этса, Туркманистонда 227, Ўзбекистонда 153, Тожикистонда 116, Қирғизистонда 100 от кучига баравардир. Пахтачиликни механизациялаш ва электрлаштириш тобора кучайтирилмоқда. Конструкторлик бюролари ва машинасозлик заводлари мутахассисларининг коллективлари тинмай меҳнат қилиб, пахтакорлар учун янги техника яратмоқдалар. Лекин машина моҳир кишиларнинг қўлидагина яхши ишлайди.

...Моҳир қўллар. Халқимиз комплекс механизациялаш бригадаларини ҳаққоний равишда ана шундай деб атайди. Бу ватанпарварлик ҳаракати бундан атиги уч йил муқаддам вужудга келди, аммо ҳозир Ўзбекистон далаларида 10 мингга яқин ана шундай бригада ишламоқда. Валентин Тюпко ва бошқа пахтачилик усталари ёққан учқун пахта етиштиришни комплекс механизациялаш учун умумхалқ ҳаракати аланғасига айланди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МИЛЛИОНИ

Совет пахтачилиги ўзини оқлаган икки йўлдан ривожланмоқда. Булар — мавжуд далаларда қўшилдорликни ошириш ва қўриқ ерларни ўзлаштиришдан иборат. Фарғона водийсини ҳаққоний равишда Ўзбекистон гавҳари деб атайдилар. Аммо, бу гавҳарнинг Қашқадарё ва Қорақалпоғистон сингари муносиб рақиблари вужудга келаётган кун яқин қолди.

Конференцияда келтирилган қизиқарли рақамлар Қорақалпоғистон даштларини ўзлаштириш истиқболларини характерлаб беради. Улуғвор Амударё асрлар бўйи ўз сувини Орол денгизига қуйиб келди. Дарё қирғоқларида эса миллион-миллион гектар яхши ерлар қақраб ётди. Бу ерларни ўзлаштириш ҳақидаги дадил орзулар эндигина қогозда гавдалантирилаётган бўлса, тез орада гигант тўғонларда ўз ифодасини топади. Бу тўғонлар Амударё оқимини тўсиб, унинг сувларини даштларга оқизадилар. Қорақалпоғистон ерлари боғ-бўстонга айланади. Қилинган ҳисобларга кўра, автоном республиканинг территориясидагина бир миллион гектар ерда пахта етиштириш учун ҳамма имкониятлар бор.

КОЛХОЗ ЕТАКЧИЛАРИ БУ ҲАҚДА ЎЙЛАШЛАРИ КЕРАК

Етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақада пахтакорлар қабул қилган муқобил план кўпгина маёқларни ёқди. Ҳозирги кунда азим қадам билан олға боришга интилаётган ҳамма ана шу маёқларга тенглашмоқда.

Лекин, пахта етиштиришдаги ҳамма ишларни механизациялаштириш учун ҳозирнинг ўзида шарт-шароит мавжудми? Конференция қатнашчилари бу саволга ижобий жавоб бердилар.

Пиғим-теримнинг қизғин пайтида, айниқса ўтган йилгидек оғир об-ҳаво шароитида қўшни хўжаликларга ёрдам учун одамлар юборганликлари билан мақтана оладиган пахтакор колхоз раҳбарлари ҳали кўп эмас. Масалан, «Коммунизм» колхозини олайлик. Бу ерда ҳосилнинг асосий қисми агрегатларда терилди. Дала меҳнаткашлари машинанинг афзаллигини амалда кўрдилар ва бу йил мавжуд 52 терим машинаси устига яна 15 машина сотиб олишга қарор қилдилар. Колхоз тийинини қадрлайдиган, куз фаслида теримчилар сўраб шаҳарга мурожаат этмайдиган кишилар ана шундай қиладилар.

Валентин Тюпко ёққан маёқ сўнмайди. У раҳбарлик қилаётган бригадада механизациялаш даражаси 90 процентдан ошиб кетди, бу эса Ўрта Осиё колхозлари ва совхозларидаги ўртача даражадан анча юқоридир. В. Тюпко бригадасининг тажрибаси ҳатто ҳозирги системадаги машиналардан моҳирлик билан фойдаланиш йўли билан ҳам қўл меҳнатининг ҳиссасини икки баравар камайтириш мумкинлигини кўрсатиб турибди. В. Тюпко бригадасида бошқа хўжаликлардагидек машиналар ишлатиладилар. Техника билан таъминланиш даражаси ҳам тахминан бир хил, бир қанча совхозларда эса экин майдонларининг ҳар 100 гектарига машҳур бригададагига нисбатан ҳатто кўпроқ энергетика қувватлари тўғри келади.

Колхоз етакчилари ва совхоз раҳбарлари бу ҳақда ўйлаб қўришлари керак!

* * *

Иқтисодчилар рақам маълумотларини чуқур таҳлил қилишни биладилар. Улар бу конференцияда колхоз раислари, совхоз директорлари, комплекс механизациялаш бригадаларининг раҳбарлари ва партия ходимлари билан биргаликда пахтачиликни янада ривожлантиришнинг ғоят катта резервларини очиб бердилар. Конференция ишида Ўрта Осиёдаги ҳамма республикалар ва Қозоғистон вакиллари қатнашдилар.

Г. КИРХОДЖИ, Н. МОИСЕЕВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ КОНСУЛЬТАТИВ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ҳукуматлари Варшава шартномаси мамлакатлари сиёсий консультатив комитетининг мажлисини юксак даражада ташқи ишлар министрлари, мудофаа министрлари ва бирлашган қуролли кучлар бош қўмондони иштирокида 1961 йил 28 мартда Москва шаҳрида чақиришга қарор қилдилар.

БЕЖИРИМ ЧИННИЛАР

Тошкент чинни заводининг гул чизиш цехи. Кенг, ёруғ хонада ишчилар қунт билан расм чизишмоқда. Гул чизувчи қизлар — Екатерина Игнатьева, Қумри Обидова, Муяссар Муҳамедоваларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улардан бири пиёлага, бири чойнакка, яна бири косага трафарет орқали гул туширишяпти.

— Буларга Екатерина раҳбарлик қилади, — дея гап бошлади цех мудири Ёдгор ака. — У 1957 йилда Новгороддаги «Пролетарский» заводидан келди. Шундан бери кўпгина маҳаллий кадрларга ўз ҳунарини ўргатди. Касбини севган Екатерина ҳар куни 500 пиёлага, 300 чойнакка гул туширади, планни 150-180 процентдан адо этмоқда. Завод ишчилари уни яқинда Октябрь район Советига депутат қилиб сайладилар.

Цех коллективи чинни буюмларни чиройли, бежирим қилиб чиқариш учун халқ меъморчилигидан кенг фойдаланмоқдалар. Уларга бош рассом Раҳмат Орифжонов раҳбарлик қилаётир. У яқинда Самарқанд ва Бухорода бўлиб, халқимизнинг меъморчилик соҳасидаги тарихий ишлари билан танишди. Рассом Орифжонов янги гуллар нусхасини ижод этди. Бундай гуллар билан безатилган идишлар ниҳоятда чиройли чиқди. Ҳозир у пахта расмининг янги нусхаларини чизмоқда.

Буюмларни безашда цехдаги ижодий коллективнинг ташаббусига катта аҳамият берилган. Уста Аҳмад Мирзабоев чизган сунъий йўлдош сурати айниқса диққатга сазовордир. Агар пиёла сиртига қарасангиз, йўлдошнинг ой томон учиб бораётганлигини, ҳатто осмондаги юлдузлар аксини ҳам кўрасиз. Валентина Черних ҳам цехдаги ташаббускорлардан бири. Унинг чизган лола гули идишларга яхши безак бўлмоқда.

Нақш чизиш қунт ва кўп меҳнатни талаб қилади. Гулчи усталардан Гулсум Юсупова, Тамара Птичкина, Анвар Рихсиев, Музаффар Вакилов ўртоқлар унумли ишламоқдалар.

Илгарилари буюмларнинг сирти тўла безатилган бўлса, энди ихчам қилиб, ярмига расм солинади. Бу билан материал ҳам тежалди, буюмларнинг кўп ва сифатли ишлаб чиқарилишига эришилди. Гулни трафарет орқали туширгач, қолган ишларни ўзи баравар ошди.

Гулчилик цехидаги коммунистик меҳнат бригадасининг аъзолари февраль ойи планини 148.5 процент қилиб бажардилар.

КПСС XXII съезди шарафига цех аъзолари коммунистик меҳнат цехи номини олиш учун курашяпти.

Цех коллективи уч ойдан буён заводнинг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда.

Суҳроб РУСТАМОВ,
Камол ХУДАЙБЕРГЕНОВ.

ПАХТАКОРЛАРГА

«Чирчиксельмаш» заводининг новатор ишчилари қишлоқ хўжалиги учун такомиллаштирилган хилма-хил машиналар ишлаб чиқариш билан пахтакорлар меҳнатини енгиллаштирмоқдалар.

Янги хил машиналар ишлаб чиқиш ва эскиларини такомиллаштиришга ҳаракат қилган завод рационализаторлари ва ихтирочилари техникани тараққий эттириш соҳасидаги таклифлари билан ўтган йили 2.450.000 сўм маблағ тежаб қолишга эришган эдилар. Пешқадам рационализаторлардан конструктор Д. С. Ян, мастер С. Васильчиков, слесарлардан Марасулов, Сейтэминов ва бошқалар бу йил ҳам ғўза қатор ораларини ишлайдиган, чеканка қиладиган, пахтани ва ғўзапояни йиғиб-териб оладиган машиналардан фойдаланишни яхшилашга, қўл меҳнатини енгиллаштиришга ёрдам берадиган янги таклифлар ишлаб чиқмоқдалар.

Б. Н. ЛАРИН,
«Чирчиксельмаш» заводининг старший инженери.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ЕРДА НАМ ТЎПЛАНГ

Тупроқда етарли миқдорда нам тўплаш ва сақлаш — қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Бу жиҳатдан баҳор ноқулай келмоқда. Республикада 1960 йил октябридан шу йилнинг 20 мартига қадар ўтган йилларнинг шу давридагига нисбатан ёғингарчилик анча кам бўлди. Масалан, Тошкентда шу вақт ичида 209 миллиметр ёмғир ёғди, ўтган йили эса 328 миллиметр ёққан эди. Сирдарё районида бултурги 247 миллиметр ўрнига 135 миллиметр, Косонсойда 190 ўрнига 96 миллиметр, Наманганда 148 ўрнига 60 миллиметр, Жиззахда 249 ўрнига 142, Самарқандда 220 ўрнига 128, Китобда 340 ўрнига 226, Деновда 238 ўрнига 135 миллиметр ёғингарчилик бўлди. Республиканинг бошқа районларида ҳам ёғингарчилик ана шундай кам бўлди.

Текшириш натижасида яхоб берилмаган пахта майдонларида нам мутлақо етарли эмаслиги аниқланди. Тупроқнинг юқори қатламида (10-30 сантиметр) оз миқдорда нам бўлиб, пастки қатламда нам мутлақо йўқ.

Шунинг учун ҳам ҳар бир район ва областда запас суғориш плани сўзсиз бажарилиши керак. Бироқ айрим областларда бу иш пайсалга солинмоқда. Масалан, Бухоро областида 60 минг гектар ердан энгингина 600 гектарига сув берилди. Самарқанд областида план атиги 44,1 процент, Сурхондарё областида 51,7 процент бажарилди. Республикада эса яхоб бериш кўзда тутилган 500 минг гектар ердан 200 минг гектардан кўпрогига ҳалигача қадар сув қўйилмаган.

Тупроқда нам тўплашда ана шундай аҳвол юз бермоқда. Ҳолбуки ерга чигит ташланишига саноқли кунлар қолди. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, агрономлар, ҳар бир раҳбар ходим шу кунларда қолган майдонларда ҳам етарли миқдорда нам тўпланишини таъминлаши керак.

Ерларнинг шўрини ювиш тупроқда нам тўплашга имкон беради. Шўр ювиш ишларини ҳам тезроқ тугаллаш керак.

Тупроқда намни сақлаб қолиш учун бороналашни ўз вақтида ўтказиш керак.

СЎНГГИ СОАТДА

Кеча, 23 мартда

ЯНГИ ГАЗ МАНБАИ

ЎзТАГ редакцияга хушхабар етказди. «Узбекнефтегазразведка» трестининг яқинда ташкил қилинган Шарқий геологоразведка экспедициясининг коллективи ўз йўлини муваффақиятли бошлади. Экспедиция коллективи Бухоро область, Муборак районида «зангори ёқилғи»нинг янги манбаини топди. Шўртепа деган жойда топилган бу табиий газдан саноат мақсадлари учун фойдаланса бўлади.

НУР СЕРОБ БЎЛДИ

Оҳангарон ГРЭСида 100 минг киловатт қувватга эга бўлган олтинчи агрегат саноат токи бера бошлади. Ўрта Осиёдаги биринчи ГРЭСидаги каби бундай йирик ротра станция ҳам Оҳангарон турбиналарга эга эмас.

«НОВОСТИ» МАТБУОТ АГЕНТЛИГИ

«Новости» («Янгиликлар») жамоатчилик матбуот агентлигини таъсис этувчилар советининг мажлиси бўлди.

А. Аджубей, Н. Грибачев, Т. Зуева, Н. Месяцев таъсис этувчилар советининг раислари қилиб сайланди. СССР Журналистлар Союзи правленнесининг секретари Б. Бурков агентлик правленнесининг раиси қилиб тасдиқланди.

Совет правленнеги «Новости» агентлигининг аппаратини ташкил этиш ва совет матбуот органлари ҳамда чет эл агентликлари ва репрезентлари билан битимлар тузишга киришишни, шунингдек, «Новости» матбуот агентлигининг проспектини тайёрлаш ва нашр этишни ҳамда бу агентликнинг эмблемасини таъсис этишни топширди.

«Новости» агентлиги ўз фаолиятини қачон бошлаши тўғрисида алоҳида хабар берилади.

Таъсис этувчилар совети «Новости» агентлиги уставининг мукаммал текстини таъсис этувчи ташкилотларнинг тасдиқига тақдим этди.

ЎЗБЕКИСТОН МИСИ

Олмалиқ мис бойитиш фабрикаси дастлабки руданы қабул қилди. Корхона машина-ускуналарини синаб кўриш бошланди. Бу фабрика жаҳонда энг катта, ускуналари мукаммал корхонадир.

ЯНВАРЬ ПЛЕНУМИ ҒОЯЛАРИ АМАЛДА

Ф. ШАМСУТДИНОВ,
Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари.

□ □ □

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу Пленумда ҳамда зонал кенгашларда сўзлаган ёрқин нутқлари мамлакатда қишлоқ хўжадигини янада ривожлантириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш, саноатни хомашё билан мунтазам ва мўл-кўл таъминлаб боришнинг янги истиқболларини очиб берди.

Пленум материаллари ва КПСС XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарор бутун совет халқини, шу жумладан Хоразм область меҳнаткашларини ҳам чексиз қувонтирди ва уларнинг сиёсий ҳамда меҳнат активлигини ошириб юборди. Корхоналарда, колхозларда, ремонт-техника станцияларида ва бошқа муассасаларда съезд шарафига умумхалқ мусобақаси кучайиб кетди. Областдаги саноат корхоналарининг коллективлари 1960 йилни муваффақиятли якунлаб, етти йилликнинг учинчи йили топшириқларини бажариш йўлида дастлабки натижаларга эришдилар. Январь, февраль ойларида маҳсулот ишлаб чиқариш плани ортиғи билан бажарилди.

Областимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати кўрсатган жуда катта ёрдамга таяниб, пахта ва деҳончиликнинг бошқа маҳсулотларини кўпайтиришда ҳамда чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда дуруст кўрсаткичларга эришяптилар. 1960 йилда область пахтакорлари Ватанга 265 минг тонна дан зиёд «оқ олтин» етказиб бериб, республика қурултойида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини оширib бажардилар. Пахта етиштириш 1953 йилдагига қараганда қарийб 100 минг тонна кўпайди, ҳосилдорлик 27 центнерга етказилди ва шу жиҳатдан Хоразм области республиканинг илғор областлари қаторидан ўрин олди.

Янгиариқ, Қўшкўпир районлари, 25 колхоз гектаридан 30 центнердан зиёд, 27 бригада эса гектаридан 45 центнердан ошириб пахта топширди. Бироқ областдаги ҳамма хўжаликларда ҳам пахтачиликни янада ривожлантириш имкониятлари бўла туриб, Хонқа, Гурлан, Ҳазорасп районлари, 30 колхоз гектаридан 25 центнердан кам ҳосил олди. Хонқа ва Ҳазорасп районлари, областдаги колхозларнинг 47 проценти ва бригадаларнинг 50 проценти социалистик мажбуриятини адо этмади, учта колхоз эса пахта тайёрлаш планини бажармади.

Бу фактлар айрим жойларда қишлоқ хўжалигига изчил ва конкрет раҳбарликнинг етарли бўлмаганлигини, пахтачиликни механизациялаштириш, агротехника методлари ва илғорлар тажрибасини жорий этишда чинакам ташкилотчилик ишлари олиб борилмаганини яққол кўрсатиб турибди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Урал областлари автоном республикалари қишлоқ хўжалиги илғорларининг кенгашида сўзлаган нутқида айтганидек, меҳнаткашларнинг фаровонлигини яхшилашга, коммунизм қуришга даъват этган ҳолда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарликнинг жуда паст бўлишига, кўп хўжаликларнинг анча вақтдан буён бир жойда тўхтаб қолаётганлигига, баъзи хўжаликларнинг эса ҳатто орқага қараб кетганлигига тоқат қилиш мумкинми?

Мана шундай эътирозлар ҳаммамиз учун, партия ташкилотларининг юқори ва қуйи звеносида ишловчи барча ходимлар учун жиддий сабоқ бўлиши лозим.

Областда яқин 3-4 йил мобайнида ҳар гектар ердан 28-30 центнердан, Янгиариқ, Қўшкўпир, Урганч, Шовот районларида эса 30-35 центнердан пахта етиштириш учун ҳамма имконият бор. Қолоқ бригада, колхоз ва районларни илғорлар даражасига кўтариш ҳосилдорликни оширишнинг муҳим резерви ҳисобланади. Агар биз қолоқ колхозларда ҳосилдорликни бу йил камида 25 центнерга кўтара олсак, қўшимча 10 минг тонна пахта ола биламиз.

Биз бу йил трактор-далачилик бригадаларининг сонини 780 тага етказишимиз ва уларга пахта майдонининг 70 процентини биркитишимиз, 85 минг гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экишимиз, шу жумладан 15 минг гектар ерга чигитни уяларга аниқ ташлайдиган сеялкалар билан экишни таъминлашимиз, 90 минг гектар ердаги гўзани тракторлар билан икки томонлама ишлашимиз, шу жумладан 80 минг гектар ердаги гўзага кетмонсиз ишлов беришимиз, 50 минг тонна пахтани машинада териб олишимиз зарур.

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда асосий шарт ҳисобланган бу вазифаларни муваффақиятли бажариш район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларидан хўжаликларда жонли ташкилотчилик ишлари олиб боришни, раҳбарликнинг энг изчил метод ва усулларини такомиллаштириб боришни, омма орасида сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини юқори кўтаришни, илғор янги нарсаларни қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни талаб қилади.

Пахта ҳосилдорлигини оширишда ерни шудгорлаш, маҳаллий ва минерал ўғит билан озиқлантириш, алмашлаб экишни жорий қилиш муҳим агротехника тадбирларидир. Лекин айрим колхозлар ҳосилни оширишнинг бу шартларини қониқарсиз амалга оширяптилар. Областда далага маҳаллий ўғит чиқариш, ер шўрини ювиш учун карталарни олдиндан яхлитлаштириш, баланд-пастини текислаш, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш сохасида қилинаётган ишлар ҳали олинган мажбуриятлар талаби даражасида эмас.

Ўзбекистон меҳнаткашлари оғир Ватанга 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилдилар. Областимиз пахтакорлари бу йил 265 минг тонна пахта етиштирганларидагина умум халқ юришига муносиб ҳисса қўша оладилар.

Кўкламги экишни ўз вақтида юқори сифатли ўтказиш пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим омилидир. Лекин, кўкламги экишга тайёргарлик ишларини қониқарли деб бўлмайди. Областда ернинг шўрини ювиш ўтган йилдагига қараганда ҳам орқада қолмоқда. Янгиариқ, Ҳазорасп, Урганч районларида кўклам дала ишлари қониқарсиз бораётир. Амударё сувининг сатҳи кўтарилмаётир. Бу эса ер шўрини ювишда қатор қийинчиликлар туғдирмоқда. Биз табиатдан хайр-эҳсон кутмаслигимиз керак. Табиатнинг инжиқлигини енгиб, Амударёдан ернинг шўрини ювиш учун керагича сув олишимиз зарур. Биз мавжуд суғориш тармоқларини кенгайтириш, чуқурлатиш йўли билан сув олишни яхшилаш мақсадида каналларни тозалашга кўплаб техника воситалари, 10 мингдан ортиқ кишини сафарбар этдик. Улар фидокорона меҳнат қилиб, катта ҳажмдаги тупроқ ишларини бажармоқдалар. Биз сув танқислигини эътиборга олиб, дарё ва коллекторлардаги сувлардан ҳам фойдаланиш тадбирларини кўраётирмиз. Шунинг учун дарё ва суваччик бўлмаган коллекторларга қўшимча 83 та насос ўрнатилди.

Партия ташкилотлари мавжуд нуқсонларга кескин хотима беришлари, ерларнинг шўрини ювишни тўғри ташкил қилишлари, ҳайдов ва чопиқ тракторларини сифатли ремонт қилиб, чигит экишни ўз вақтида сифатли ўтказиш учун пахтакорлар мусобақасини авж олдиришлари лозим.

Областимизда пахтачиликни янада ривожлантириш истиқболи ирригация ва мелиорация ишлари билан узвий боғлиқдир. Хоразмда суғоришга яроқли яна 30 минг гектар ерни кўпроқ ер бор. Бу йил 4 минг гектар ер ўзлаштирилади. Катта Озорний коллектори ва унинг Ғозовот — Довдон қисмининг ишга туширилиши ва Дарёлик коллектори иккинчи навбатининг фойдаланишга берилиши етти йилликнинг охиригача суғориладиган ерлардан 12 минг гектарини янгидан ўзлаштириш имкониятини беради. Ҳозир Амударёда Туямўйин гидроузелини қуриш лойиҳаси олга суриляпти. Бу проблеманинг ҳал қилиниши ўн минг тонналаб пахта етиштириладиган жуда катта майдонларни ўзлаштириш учун қулай шарт-шароит вужудга келтиради.

Туямўйин гидроузели қурилишига қадар бу йил Тошсоқа, Полвон — Ғозовот тармоқ каналларини, Р-3, Р-7 ва Сталин номли каналларни қайта қуриш ва уларнинг техник ҳолатини яхшилаш керак.

Ирригация ва мелиорация сохасида белгиланган мана шу тадбирларнинг амалга оширилиши Хоразмни яқин йиллар ичида совет Ўзбекистонининг мустаҳкам ва асосий пахта базаларидан бирига айлантириш имкониятини беради.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми чорвачиликни кескин ривожлантириш, сигирлар сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш вазифасини қўйди. Ҳар бир колхоз ана молларнинг тегишли миқдорига ва молларни урчитиб кўпайтириш имкониятларига эга бўлиши лозим. Бироқ, областда чорвачиликни ривожлантиришда баъзи ютуқлар қўлга киритилган бўлса ҳам, қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғи ҳамон суст юксалмоқда. Ўтган йили ҳар юз сигирдан 62 бузоқ, ҳар 100 совлиқдан 89 қўзи ва ҳар 100 чўчқадан 1203 чўчқа боласи олинди. Бу жуда паст кўрсаткичдир. Область партия ва совет ташкилотлари, колхоз правлениелари ва бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларидан тегишли хулоса чиқариб, чорвачиликни ривожлантиришни ҳар бири 200 тонна ва ундан ҳам ортиқ пахтани машинада териб, катта ҳурматга сазовор бўлдилар. Бу йил механик-ҳайдовчи қизларнинг сафи янада кўпайиб 200 дан ошади.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида колхозларни кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларнинг ташаббускорлигини ошириш зарурлиги таъкидланиб ўтилди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев энг яхши ташкилотчи, қобилиятли, ишнинг кўзини биладиган, оммани ўз кетидан эргаштироладиган кишиларни колхоз раҳбарлигига кўтаришни кўп марталаб уқтириб кўрсатди. Худди мана шундай кишилар бошчилик қилаётган хўжаликлар ўсиб, юксалиб бораётганлигини кўриб турибмиз. Гурлан районидаги Сталин номли колхозга ўртоқ Нам Хин Дюн кўпдан бери раислик қилади. У қолоқ колхозни илғорлар даражасига кўтаришда кўп куч сарф этди. Бу колхоз шоликорликда бутун мамлакатга маълум бўлиб қолди. Колхоз 1147 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 73 центнердан шоли олди, 1960 йилда қолоқ Охунбобоев номли пахтакор колхоз шу хўжалик билан бирлашиб, гектаридан 38 центнердан пахта олди ва ҳосилдорликни бир йилда 14 центнер кўтарди.

Яқинда колхоз аъзолари ўз зиммаларига юксак мажбурият олиб, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевга хат йўлладилар.

«Колхозимиз меҳнаткашла р и Сизнинг шоликорларнинг меҳнатига берган юксак баҳонгизни зўр шоду-хуррамлик билан кутиб олдилар. Қимматли Никита Сергеевич, бу эришган муваффақиятларга берган юксак баҳонгиз учун Сизга чексиз ташаккур айтамиз. Сизнинг бу сўзларингиз бизни янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқда, бизларда етти йилликнинг учинчи йилида олинган катта мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун янги куч-ғайрат уйғотмоқда».

Хатда колхоз аъзолари 1200 гектар шоли майдонининг гектаридан 80 центнердан, 1350 гектар пахта майдонининг гектаридан 40 центнердан, 400 гектар маккажўхорининг гектаридан 800 центнердан кўпроп етиштириш юзасидан мажбурият олганликлари айтилади.

Биз сўнгги вақтларда колхозларнинг раислари ва партия ташкилотларининг секретарлари, бригада бошлиқлари, ферма мудирлари составини ишчан ва малакали кадрлар билан мустаҳкамладик. Қишлоқ коммунистларининг жуда катта қисми далада ва фермаларда ишламоқда. Яқинда қишлоқда доимий ишлашга яна бир катта группа тажрибали ташкилотчи кадрлар юборилди. Айни шу кунларда колхоз бошланғич партия ташкилотларининг асосий эътибори КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қишлоқ хўжалигини юксалтиришга бағишланган тарихий нутқларини кенг тушунтиришга социалистик мусобақани ҳар қачонгидан кучайтиришга қаратилгандир.

Область меҳнаткашлари пахта, сут, гўшт ва қишлоқ хўжалигининг бошқа турдаги маҳсулотларини кўпайтириш учун қурашни авж олдирадилар. КПСС XXII съездини хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар.

Бухоро область Советининг биринчи сессияси

БУХОРО, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Меҳнаткашлар депутатлари Бухоро область Советининг саккизинчи чақириқ биринчи сессияси бўлди.

Сессия ташкилий масалани кўриб чиқиб, Н. М. Матчановни Бухоро область Совети ижроия комитети раиси қилиб сайлади. Область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари қилиб депутат А. Г. Давидянц, область ижроком раисининг ўринбосарлари қилиб депутатлар М. Саматова ва А. И. Спутников сайланди.

ҲАР ТЎҒРИДА

● ЧИРОҚЧИ. Район марказида ва «Коммуна» колхозида катта **новвойхоналар қурилиб ишга туширилди.** Новвойхоналарда булка нонлардан ташқари ширмон ва кунжитли обинонлар ёпилмоқда.

Районнинг Охунбобоев номли, Ленин номли колхозларида ва «Кўкдала» совхозида ҳам шундай новвойхоналар очилди.

П. ГАДОЕВ.

● ЧИРЧИҚ. Шаҳардаги 3-ҳунар мактабида **10 ойлик металлурглар бўлими очилди.** Бўлимда ҳозир 74 киши ўқимоқда.

Т. ЎРУНОВ.

● ОЛТИАРИҚ. Райондаги «Ленинград» колхози клуби қошида **бичиш-тикиш тўгараги ташкил этилди.** Тўгаракда 40 дан ортиқ колхозчи қизлар чеварлик касбини ўрганмоқдалар.

Н. РАУФЖОНОВ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни чиқарди:

А. С. Казакова. — «Ими гордится родина». (Подвиги героев Советского Союза — Узбекистанцев), 178 бет, тиражи 2.000, баҳоси 50 тийин.

А. Каримов, С. Шарофутдинов. — «Беда агротехникаси». 90 бет, тиражи 3.000, баҳоси 10 тийин.

Н. Н. Носиров, В. Н. Ермохин. — «Йилда икки марта ҳосил». 27 бет, тиражи 2.000, баҳоси 3 тийин.

Ф. А. Соколов. — «Ерни чигит экишга тайёрлаш». 39 бет, тиражи 5.000, баҳоси 4 тийин.

К. К. Алехин, Ш. М. Арзуманов. — «Илғор токчилик совхози». 41 бет, тиражи 1.000, баҳоси 5 тийин.

В. И. Кокуев. — «Ғўза навлари». (Мавжуд ва перспектив навлар). 50 бет, тиражи 5.000, баҳоси 5 тийин.

* * *

Ўзбекистон ССР «Ўрта ва олий мактаб» Давлат нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

В. М. Легостаев. — «Шўр ерлар мелиорацияси». 158 бет, тиражи 3.000, баҳоси 37 тийин.

Ғ. М. Миркаримов, Г. И. Демаков, К. А. Аҳмедов. — «Социалистик қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни уюштириш». (Ўқув қўлланмаси) 375 бет тиражи 5.000, баҳоси 79 тийин.

Ойдин. — «Кўнгли тўлдими, яхши йигит». Ҳикоялар. 65 бет, тиражи 15.000, баҳоси 7 тийин.

Ўзбекистон халқаро виставка ва ярмаркаларда

Ўтган йиллардаги каби бу йилги халқаро виставка ва ярмаркалар ҳам кенг жамоатчилик ва савдо-саноат доираларининг катта эътиборига сазовор бўлади.

Совет Иттифоқининг халқаро кўргазмаларга қўйилган минглаб экспонатлари орасида Ўзбекистон саноат корхоналарининг маҳсулотлари, халқ усталари томонидан тайёрланган буюмлар ва бошқа нарсалар яна кўзга кўринарли ўрин олади.

Бутуниттифоқ савдо палатасида бизга Ўзбекистоннинг халқаро виставка ва ярмаркалардаги иштироки ҳақида қуйидагиларни гапириб бердилар.

Ўзбекистон ҳозир 21 мартда Қоҳирада очилган жаҳон қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашмоқда. Маълумки, бу ерда Ўзбекистон ССР маҳсулотларини ҳам жуда қадрлайдилар. «УПХ-1,5 а» пахта тозалаш ва «ХВС-1,2» маркали пахта териш машиналари, энг янги сеялка, культиватор, кўчма насос ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Булардан ташқари тамаки маҳсулотлари, қуруқ ва ҳўл мевалар, гилам ва бошқа буюмлар намойиш қилинади.

11 июнда очилиб 15 кун давом этадиган Познань юбилей ярмаркасида (Польша) Ўзбекистон халқ усталари ва чеварларининг бадиий тикув ва кулолчилик буюмлари билан қатнашади.

Шунингдек 11 июлда Улан-Батор (Мўғулистон)да очиладиган СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси бу ерда ташкил қилинган кўрикларнинг энг йириги бўлади. Унда ҳам Ўзбекистон саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданияти муносиб ўрин олади.

7 июлдан 29 июлгача Совет саноат виставкаси Лондонда ўтади. Бу ерда ҳам, уяларга чигитни аниқ ташлаб кетувчи «СТВХ-4» маркали сеялкаларимиз, пахта териш машиналари, тамаки маҳсулотлари, хилма-хил узум винолари ва бошқа жуда кўп нарсалар совет республикалари қўйган юзлаб экспонатлар қаторида жой олиб, Ватанимиз қудратини намойиш қилади.

Афғонистоннинг Кобил шаҳрида очиладиган виставка ҳам катта бўлади. У 23 августда очилиб, бир ой давом этади. Виставкада Ўзбекистоннинг саноат маҳсулотлари билан бир қаторда амалий санъат буюмларига ҳам катта ўрин берилади.

Солоника (Греция) адреси ёзилган яшикларда Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашига қарашли корхоналар номларини ҳам учратиш мумкин. Бу яшикларда 3 сентябрдан 24 сентябргача Солоникада ўтказиладиган ярмаркага атаб юборилаётган экспонатлар жойланган.

Шу йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида Сомалида саноат виставкаси очилади. Бу ерда ҳам Ўзбекистон трактор йиғув заводи, «Чирчиксельмаш», «Узбексельмаш» заводларининг маҳсулотлари кўргазмага қўйилади. Шунингдек, виставкада винолар, маҳаллий саноат бошқармаси ишлаб чиқарган турли хил бадиий буюмлар муносиб ўрин эгаллайди.

Кузга бориб Рио-де-Жанейро (Бразилия)да, Париж (Франция)да Совет савдо саноат виставкалари очилади. Буларда ҳам Ўзбекистон ўзининг саноат, маданий қурилиш соҳасида эришган юксак ютуқларини намойиш қилади.

Г. БАХШИЕВА.
«Қизил Ўзбекистон»нинг Москвадаги мухбири.

РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАРИ СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

Меҳнатда эришган зафарларимиз республика хотин-қизлар съездига совғамиздир, дейди Янгийўлдаги пойафзал фабрикасининг смена мастери Хурсанд Шоназарова. СУРАТДА: Х. ШОНАЗАРОВА фабриканинг илғор, аъло навли маҳсулот берувчи ишчиси Насиба ЖУМАБОЕВАнинг иш натижаларини кўздан кечирмоқда.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тошкентдаги республика Ўқитувчилар малакасини ошириш институтида кўплаб хотин-қизлар ўз билимларини оширмоқдалар. СУРАТДА: янгийўллик ўқитувчи Холида БУЖУРОВА химия лабораториясида тажриба ўтказмоқда.

И. Гильдин фотоси.

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

— Меҳнаткашларни идеологик тарбиялаш иши ҳаёт билан ҳамнафас бўлсин, коммунистик қурилиш вазифалари билан чамбарчас боғлансин—Фарғона область идеология ходимларининг яқинда бўлган йиғилиши ана шу шиор остида ўтди. Йиғилишга район партия комитетларининг секретарлари ва пропаганда-агитация бўлимларининг мудирлари, газеталарнинг редакторлари, пропагандистлар, ижодий ташкилотларнинг вакиллари қатнашди.

Қўқон шаҳар ва Фарғона район партия комитетлари пропаганда-агитация бўлимларининг мудирлари Рустамқулова, Магдиев ўртоқлар, Бағдод районида чиқадиган «Авангард» газетасининг редактори Абрамов, Қосонсой район партия маорифи уйининг мудири Шарипов ва бошқалар сўзладилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари» ҳақидаги қарорининг жойларда қандай бажарилаётганлиги атрофлича муҳокама қилинди ва меҳнаткашларни идеологик тарбиялашни янада яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ғ. Нажимов қатнашди.

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

САМАРАЛИ ИШ

Самарқанд область, Оқдарё район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари кейинги йилларда ўнларча аёлларни раҳбарлик вазифаларига кўтардилар. Ҳозирги пайтда хотин-қизлардан 15 киши мактаб директори, 4 киши агроном, 3 киши зоотехник, 11 киши механизатор, 4 киши чорвачилик фермаларининг мудири ва 100 дан ортиқ аёл далачилик бригадалари ҳамда звеноларининг бошлиғи бўлиб ишламоқдалар.

Бундан уч ой илгари бўлиб ўтган бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида энг яхши жамоатчи қиз-жувонларни партиявий ишга жалб этишга алоҳида эътибор берилди. «Даҳбед» совхозининг ишчиси Ҳайитой Отамуродова жамоат ишларида актив қатнашиб тез орада ўзини танита олди. Шижоатли, қобилиятли, ишчан, саботли бу аёл партия сафида тарбияланиб, ўз сиёсий билимини оширди. У ҳозир шу совхоз партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлаяпти.

Зулфия Зиёева етти йиллик мактабни битиргандан кейин қишлоқ магазинларида оддий сотувчи бўлиб ишлади. У ўз малакасини ошириш мақсадида Самарқанддаги савдо техникумида сиртдан ўқиди ва бу техникумни муваффақиятли тугатди. Сер ғайрат, жамоатчи бу аёл савдо ишларида ҳизмат қилаётган кезлардаёқ омма ўртасида агитация олиб боришда бошланғич партия ташкилотига яқиндан ёрдам берди ва КПСС сафига кирди. Зулфия Зиёева кейинчалик район ижроия комитети раисининг ўринбосарлиги вазифасига кўтарилди ва шу ишда анча тажриба тўплади.

Савдо ходими Иззат Раббимова район матлубот кооперацияси союзи ҳузуридаги бошланғич партия ташкилотининг секретарлигига яқинда сайланди. Олдин ҳамшира Азиза Аҳмедова эса соғлиқни сақлаш бўлими қошидаги бошланғич партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлаяпти.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу Пленумда ҳамда зонал кенгашларда сўзлаган нутқлари Оқдарё меҳнаткашларининг, шу жумладан хотин-қизларининг меҳнат активлигини янада оширib юборди.

Норпошша Тожиева Ленин номли колхозда трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлайди. Қишлоқ меҳнаткашлари бу ватанпарвар аёлни уч касбнинг эгаси деб айтадилар. Дарҳақиқат шундай. Норпошша Тожиева бошлиқ бригада 130 гектар ерга маккажўхори, 40 гектар ерга чигит экади. У бу йил 3 қути ипак қурти тутишга ва ҳар қути уруғдан 125 килограммдан маҳсулот олишга ваъда берди. Бригада даласида иш қизиб кетди.

Раҳбарлик вазифаларига кўтарилган хотин-қизларнинг етти йиллигининг учинчи йилида ўз ишларида катта самараларга эришишлари уларнинг шу кунлардаги фидокорона, унумли меҳнатларида яққол сезилиб турибди.

С. ХЎЖАЕВ.

МЕХАНИЗАТОРЛАР

Қорақалпоғистоннинг совхоз ва РТСлари ҳузурида ташкил қилинган курсларда бу йил кўпгина механизатор кадрлар етишиб чиқади.

Пахтакор қиз-жувонлар ҳам янги касбларни эгалламоқдалар. Колхозчи қиз-жувонлардан ва совхоз ишчиларидан олти юздан кўпроқ киши машиналарни ҳайдаш ҳуқуқини олади. «Чимбой», «Кенес», «Халқобод» ва Куйбишев номли совхозлардаги механизатор хотин-қизлар икки баравар ошади.

(ЎзТАГ).

КАДРЛАРНИ ТАНЛАШДА КЎПРОҚ ПРИНЦИПИАЛЛИК КЎРСАТИЛСИН

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» КЕНГАШИ ИИҒИЛИШИДАН

□ □

Матлубот кооперацияси ходимлари олдида катта аҳамиятга эга бўлган вазифалар турибди. Улар КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорларига таяниб, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишни бутун чоралар билан яхшилашлари, ўзларининг бутун фаолиятлари билан колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини янада юксалтиришга ёрдам беришлари керак.

«Ўзбекбирлашув» кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши Ўзбекистон матлубот союзи правлениесининг 1960 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунларига бағишланган эди. Йиғилишда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, совет кишиларининг фаровонлиги муттасил юксалаётганлиги, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш кўпайтирилаётганлиги натижасида товар обороти йил сайин ошиб бормоқда.

Шу билан бирга сўзга чиққан нотиқлар шуни кўрсатиб ўтдиларки, «Ўзбекбирлашув» правлениеси, область матлубот союзларининг правленилари ва кўпгина кооператив ташкилотлари савдо-сотиқ ишларини яхшироқ ташкил қилиш учун мавжуд бўлган қулай имкониятлардан ниҳоятда қониқарсиз фойдаланадилар, ўз ишларида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўядилар.

Кенгаш қатнашчилари «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси ўртоқ Ҳ. Юнусовнинг ҳисобот докладини қаттиқ танқид қилиб, шуни уқтириб ўтдиларки, республика матлубот кооперацияси савдо-сотиқ ишларини узлуксиз ташкил қилиш учун етарли ресурсларга эга бўла туриб, қишлоқ меҳнаткашларининг энг зарур товарларга бўлган талабларини тўла равишда таъминлай олмади.

Сўзга чиққан нотиқлар қишлоқ меҳнаткашларига савдо хизматини ташкил қилишда йўл қўйилган ана шу ва бошқа жиддий хато ва камчиликлар ҳақида гапириб, «Ўзбекбирлашув» правлениеси кадрларни танлашда партиявий принципиаллик кўрсатганида кўпгина масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш мумкин бўлур эди, деб уқтириб ўтдилар.

Матлубот кооперациясининг айрим раҳбарлари кибрланиш кайфиятларига берилиб, масъулият ҳиссини йўқотиб қўйганлар ва давлатни тўғридан-тўғри алдаш йўлига ўтдилар. Товар обороти ҳисоботларига қўшиб ёзиш, турли товарларни харид қилишда мавжуд стандартларни ва техника шартларини бузиш ҳоллари аниқланди. Қорақалпоғистон матлубот союзи правлениесининг собиқ раиси С. Матчонов мунтазам равишда кўзбўямачилик билан шуғулланиб келган. Андижон область Ленин район матлубот союзи, Бўстонлиқ район матлубот жамиятининг ва бошқа кооператив ташкилотларининг раҳбарлари давлатни алдаб келганлар. Исрофгарчилик ва хўжасизларча ҳаражат қилишларга қарши суст кураш олиб борилган. Молиявий интизом қўпол равишда бузилган, растрат қилиш ва ўғирлаш каби ҳоллар рўй берган.

«Ўзбекбирлашув» ревизия комиссияси давлат интизомини бузувчиларга ва тўғридан-тўғри суиистеъмол қилиш ҳолларига қарши кураш олиб бормади. Партия бюроси ҳам тегишли принципиаллик кўрсатмади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика матлубот кооперацияси системасидаги жиддий хатоларни ва суиистеъмол қилишларни очиб ташлади. «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси ўртоқ Ҳ. Юнусов суиистеъмол қилиш фактларига баҳо беришда принципсизлик кўрсатиб, илгари ишни барбод қилган ходимларни кооперациянинг раҳбарлик вазифаларига қўйди. У аппаратда хушомадгўйлик вазиятини вужудга келтирди, ўз қўл остидаги кишилар билан қўпол ва беодоб муомалада бўлди. Ўртоқ Ҳ. Юнусов камтарлик ҳиссиётини йўқотиб, ўз лавозимидан ғаразли мақсадларда фойдаланган. Правление раисининг ўринбосарлари М. Ф. Ардабьев ва А. Д. Шокиров ўртоқлар, савдо бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. Я. Ковзеридзе ва «Ўзбекбирлашув»нинг бошқа ходимлари ҳам ўз ҳузур-ҳаловатларини яхшилаш йўлига тушиб олганлар.

Кенгаш аъзолари матлубот союзи раҳбарлари йўл қўйган хўжасизлик ва исрофгарчилик ҳоллари кескин қораладилар, кадрлар танлашда уларнинг принципсизлик ва беғамлик кўрсатганликларини қаттиқ танқид қилдилар.

Йиғилиш «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси ўртоқ Ҳ. Юнусовни, правление раисининг ўринбосарлари М. Ф. Ардабьев ва У. Назиров ўртоқларни, савдо бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. Я. Ковзеридзени ўз вазифаларидан олиб ташлашга ва уларни правление составидан чиқаришга қарор қилди. «Ўзбекбирлашув» раисининг ўринбосари ўртоқ М. Раҳжабова ҳам ўз вазифасидан озод қилинди ва правление составидан чиқарилди.

Кенгаш қабул қилган қарорда КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари асосида қишлоқ аҳолисига савдо хизматини тубдан яхшилаш тарбирларини белгилади.

Правлениенинг янги состави сайланди. Ўртоқ А. А. Хўжаев «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси қилиб сайланди.

Ўртоқ Н. И. Супотницкий правление аъзоси ва правление раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайланди. З. Ш. Сераджев, Ҳ. С. Вагапова, С. А. Терешин ўртоқлар «Ўзбекбирлашув» правлениесининг аъзолари ва правление раисининг ўринбосарлари қилиб сайландилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Ф. Е. Титов ва Центросоюз правлениеси раисининг ўринбосари ўртоқ В. И. Хорин нутқ сўзладилар. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИ — ИЛҲОМ МАНБАИ

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорлари республика маданият ходимлари учун ҳам илҳом манбаи бўлди. Пленум қўйган улуғвор вазифаларни амалга оширишда маданият ходимлари олдида ҳам катта вазифалар турибди. Улар Пленум қарорларини оммага етказишнинг оташин таргиботчиларидирлар.

Партиямизнинг доимий ғамхўрлигидан илҳомланган республика санъати ва адабиёти арбоблари КПСС Марказий Комитети январь Пленумини баъзи бир муваффақиятлар билан кутиб олдилар.

Драматургларимиз ва театрларимиз томошабинларга республика ҳаётини акс эттирувчи бир неча асарлар тақдим этдилар. Булар орасида И. Султоновнинг «Имон», Р. Бобожоннинг «Тоға-жиянлар» пьесалари бор. Саҳнамизда қардошларимиздан эстон драматурги Э. Раннетнинг «Оқпадар», С. Шатровнинг «Революция номи билан», В. Розовнинг «Шодлик излаб», А. Сафроновнинг «Пазанда» пьесалари қўйилмоқда.

Республика рассомлари тасвирий ва халқ амалий санъатининг ажойиб намуналарини яратмоқдалар. Ўтган йили яратилган 550 га яқин графика, ҳайкалтарошлик ва амалий санъат асарларининг энг яхшилари турли выставкаларда намойиш қилинди.

«Ўзбекфильм» киностудияси партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳақидаги қарорларига амал қилиб, илғорларимиз Турсуной Охунова, Меликўзи Умрзоқов, Жўра Султоновлар ҳақида кино очерклар ишлаб чиқарди. Меҳнаткашларга илмий-оммабоп, хроникал-ҳужжатли ва қишлоқ хўжалик фильмлари кўрсатиш ҳам кўпайтирилди.

Республика аҳолисига, айниқса қишлоқ меҳнаткашларига кино хизмати бирмунча яхшиланди. Ўзбекистонда кино тармоқларини кўпайтириш етти йиллик плани оширib бажарилди. Ҳозир республикада етти йиллик планга кўра 1965 йилга мўлжалланганидан ҳам кўпроқ киноустановка ишлаб турибди. Колхозларнинг 70 процентида стационар киноустановкалар бор. Икки йил ичида йигирмата қишки кинотеатр биноси (улардан 12 таси кенг экранли) қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яна 24 та қишки кинотеатр қурилмоқда.

Ҳозир республикада 2943 клуб, 3099 оммавий кутубхона, 30 маданият ва истироҳат боғи бор. Клубларда тўрт миигга яқин турли бадиий ҳаваскорлик тўгараклари. 23 халқ ҳаваскорлик театри ва 100 мингдан ортиқ тингловчи иштирок этаётган 80 га яқин маданият университети ишлаб турибди.

Оммавий кутубхоналаримиздан 2 миллионга яқин китобхон фойдаланмоқда. Китоб фонди йилдан-йилга кўпаймоқда. Кутубхоначилик ишини яхшилаш юзасидан бирмунча ишлар қилинди. 600 дан ортиқ кўчма кутубхона очилди, бу — қишлоқ аҳолисини китоб билан таъминлашни анча яхшилади. 250 дан ортиқ кутубхона янги биноларга кўчирилди. Аҳолига яхши хизмат кўрсатиш мақсадида жуда кўп кутубхоналар қулай биноларга кўчирилди.

Республикамиздаги нашриётлар ҳам сиёсий, қишлоқ хўжалик ва илмий-техника адабиётларн нашр этишни яхшиладилар. КПСС XXI съезди ва Марказий Комитет Пленумлари қарорларини пропаганда қилувчи китоблар ва плакатларни кўплаб нашр этишга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон ССР «Ўрта ва олий мактаб» нашриёти ўқув-педагогика адабиётларини нашр этишни анча яхшилади. Нашриёт ўзбек тилида ўрта умумтаълим мактаблари учун барча предметлар бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг тўлиқ комплектини, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун қатор дарсликлар босиб чиқарди.

Китоб савдосини яхшилашга қаратилган бир қатор тадбирлар кўрилди. Аҳолининг китобга бўлган талабини қондириш мақсадида фақат ўтган йилнинг ўзида 28 магазин прилавкасиз савдо қилишга кўчирилди. Китоб ойлиги, китоб столлари, чакана ва улгуржи китоб бозорлари ташкил этиш соҳасида ҳам талайгина ишлар қилинди.

Бироқ республика маданий муассасалари ва ижодий союзлари ишида ҳали жиддий нуқсонлар бор.

Кейинги йилларда театрларимизда ҳозирги замон воқелигини акс эттирувчи бир қанча пьесалар қўйилган. «Ўзбекфильм» киностудияси қишлоқ хўжалиги ютуқларини ҳикоя қилувчи фильмлар ишлаб чиқарган бўлса-да, булар етарли эмас, санъаткорларимиз давр талаб этаётган актуал масалаларни ҳозиржавоблик билан ўз асарларида акс эттирмаётирлар. Театрларимиз саҳнасида ва экранларимизда, музикали коллективларимиз репертуарида Мирзачўлни ўзлаштираётганлар, Жарқоқ — Бухоро — Тошкент, Газли — Урал газ қувурини ётқизаётганлар, Оҳангарон цементчилари, умуман республикамиздаги етти йиллик иншоотларининг улкан қаҳрамонларининг ёрқин образи кўринмайди.

Композиторларимиз республика меҳнаткашлари олдида қарздорлар. Улар замонамизнинг муҳим темаларида турли жанрларда юракка бориб тегадиган асарлар яратмаётирлар. Яхши қўшиқларимиз оз.

Меҳнаткашларга, айниқса қишлоқ аҳолисига кино хизмати кўрсатиш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Узоқ районларда, айниқса яйловларда яшаётган чўпоиларга кинофильмлар кўрсатиш қониқарсиз аҳволда. Бадиий, илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар ўзбек тилига жуда кам таржима қилинмоқда.

Китоб ва плакатларнинг бадиий жиҳатдан юксак безатилишига, уларнинг бенуқсон чиқарилишига эришолмаяпмиз. КПСС съездлари, Марказий Комитет Пленумлари қарорларини оммалаштирувчи, етти йиллик планни муваффақиятли бажаришда республика олдида турган муҳим вазифаларни ёритувчи оммавий ва сиёсий адабиётлар ўз вақтида чиқарилмаётир. Рус классиклари асарларини ўзбек тилида нашр этиш ишини ҳам яхши деб бўлмайди, болалар учун чиқарилаётган адабиётлар кам. Ғоявий ва бадиий жиҳатдан бўш асарларни босиб чиқаришга йўл қўйилмоқда, нашр қилинаётган адабиётлар тиражини белгилашда жиддий камчиликлар бор.

Нашриётларимизда чиқарилаётган китобларни оммага тарқатишда сусткашлик қилинмоқда. Матлубот кооперацияси қишлоқда китоб савдосини йўлга қўйишга эътиборсизлик билан қарамоқда. Китоб магазинлари тармоқлари секин ривожланмоқда.

Маданий-оқартув муассасаларининг фаолияти, айниқса қишлоқлардаги маданий-оқартув муассасаларининг иши меҳнаткашларимизнинг кундан-кунга ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжлари даражасидан ортда қолмоқда.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорларидан илҳомланган маданият ходимларининг катта отряди ўз фаолиятидаги бундай нуқсонларни тугатиб, шоили ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар билан ҳамкорликда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездини муносиб кутиб олиш учун курашмоқда.

Республика театрларининг 1961 йилги репертуар планлари ва заказларнинг тематик плани театрларнинг қизиқарли ва ранг-баранг спектакллар яратишга киришганлигидан далолат бериб турибди. Театрлар репертуарларидан Ўзбекистон драматурглари, қардош республикалар ёзувчилари ва классик адибларнинг энг яхши асарлари ўрин олди. Репертуардаги асарлар орасида Зиннат Фатхуллининг Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри саҳналаштираётган «Оби ҳаёт» асари бор.

Шоир ва драматург Уйғун қишлоқ онгидаги эскилик сарқитларига қарши кураш ва зиёлиларнинг колхоз қурилишидаги ролини кўрсатишга бағишланган «Гумон», драматург Назир Сафаров механизатор ўзбек аёллари ҳақидаги «Мардлик» пьесалари устида ишламоқдалар. Шоир Дўшан Файзий ва композитор Д. Соатқуловлар «Зарафшон қизи» пьесасини яратдилар. Механизатор аёлларнинг пахта далаларидаги меҳнатини улуғлашга бағишланган бу асарни Самарқанд область музикали ва комедия театри саҳнага қўяди.

Асар яқинда Муқимий номидаги республика музикали драма ва комедия театрида ҳам намойиш қилинади.

Бадиий ва илмий-оммабоп фильмлар қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги илғор тажрибаларни оммалаштиришда катта роль ўйнайди. Шунга кўра, «Ўзбекфильм» киностудияси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муҳим темалардаги бадиий фильмлар яратиш устида иш олиб бормоқда. Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести асосида яратилаётган «Синчалак» фильмида қишлоқ хўжалик артелини бақувват хўжаликка айлантиришда партия ташкилотининг роли кўрсатилади. Суратга олинаётган «Ўфқ йўли» фильми колхозчиларнинг пахтачиликни комплекс механизациялаш учун олиб борган курашларини ҳикоя қилади. Киностудия бу йил ишлаб чиқарадиган илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмларнинг кўпи республика қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш масалаларига бағишланган. Республика пахтакорлари ҳақида тўла метражли «Пахта» номли ҳужжатли фильм чиқарилади. Бундан ташқари илғор механизатор Жавод Кўчиев ва «Малик» совхози ҳақида ҳам фильм яратилади. «Ўзбекистон узумчилиги», «Янги тусдаги қоракўл ижодкори», «Шарофат Баракаева бригадаси», «Политотдел» колхозининг тажрибаси» номли тўртта қисқа метражли фильм ҳам қишлоқ хўжалиги илғорлари ҳақида ҳикоя қилади. Бир йилда тўрт марта чиқариладиган «Ўзбекистоннинг социалистик қишлоқ хўжалиги» махсус киножурнали қишлоқ хўжалиги илғорларига бағишланади.

Ўзбекистон Давлат нашриёти «Колхозларда пахтачиликни комплекс механизациялаштириш», «Ғўзани парвариш қиладиган машина», «Ўзбекистонда ирригация», «Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўллари», «Луб экинларидан юқори ҳосил олувчи миришкорлар тажрибалари» сингари ўттиздан ортиқ номдаги китобчани бу йил ўзбек ва рус тилларида нашр қилади.

Республикада, айниқса қишлоқ жойларида маданий-оқартув муассасалари учун бинолар қуришнинг катта режаси тузилди. Бу планнинг бажарилиши маданий-оқартув ишларини янада яхшилаш имконини беради.

Шубҳа йўққи, республика маданият ходимлари ва барча ижодий зиёлилар оммани партия ва ҳукуматимиз қарорларини тўла бажариш ҳамда КПСС XXII съездини муносиб кутиб олишга сафарбар этишда куч ва ғайратларини аямайдилар. халқимиз маданиятини янада оширишга муносиб ҳисса қўшадилар.

С. МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР маданият министри.

Максим Горький номли театрда

Партия ва ҳукуматимиз санъат ходимлари олдига ҳаётни чуқур ўрганиш, саҳнада замонамиз қаҳрамонларининг типик образларини яратиш вазифасини қўйган. Тошкентдаги Максим Горький номли рус драм театри коллективининг томошабинларга тақдим этган қатор спектакллари замонамиз қаҳрамонларининг меҳнат зафарларидан ҳикоя қилади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Майсаранинг иши» комедияси, Н. Погодининг «Ҳаёт гуллари», Н. Ҳикматнинг «Қил устида» пьесалари ана шулар жумласидан.

Погодининг «Ҳаёт гуллари» пьесасида коммунистик меҳнат қаракатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда коммунистик меҳнат кишиларининг ажойиб ишлари тасвирланади.

Театр коллективи мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникулига атаб Р. Тубаровнинг «Буюк сеҳргар» комедиясини тайёрлади.

А. РЎЗИЕВ.

ЧОРВАЧИЛИК — МЎЛ-КЎЛЧИЛИК

АНДИЖОН областидаги Ленин районида колхозлараро паррандачилик фермаси ташкил қилинди. Кейинчалик бу ферма паррандачилик фабрикасига айланади. Ҳозир бу ерда 10-12 мингта паррандага мўлжалланган бино қурилди. Инкубатория станцияси биноси қад кўтармоқда. Товуқларга дон етиштириш учун фермага 20 гектар ер ажратиб берилди. СУРАТДА: колхозлараро паррандачилик фабрикаси.

Л. Мейнерт фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ УЧУН

Оқ халат кийган врач палата эшигини оҳиста очди-ю, оёқ учида юриб бориб, оғир ётган бемор олдида тўхтади. Беморнинг кайфи ноғоралигини кўриб, унинг кўнглини кўтарди, ҳазил-мутойиба қилиб кулдирди.

Беморнинг чеҳраси очилди. Шундан кейингина врач унинг саломатлигини суриштирди. Ҳамширани чақириб, унга глюкоза қуйиш кераклигини айтди-да, бошқа беморларни ҳам шу тахлитда бирбир кўриб чиқди.

Врач энди кабинетига кирган эди, телефон жиринглади. Трубкани олди.

— Эшитаман. «Коммунизм»дан дейсизми? Яхши, ҳозир етиб бораман.

У пальтосини кийиб, ҳовлига чиқди, тез ёрдам машинасига ўтирди.

Юқорида биз беморларга жонкуяр врач Александра Ивановна Назаровнинг иш фаолиятидан айрим эпизодларни келтирдик. Бухоро область, Свердлов район марказидаги касалхонанинг ички касалликлар бўлимида 24 йилдан буён ишлаётган бу олижаноб аёлнинг ҳар куни ана шундай, мазмундор ўтмоқда. Ишдан бўш вақтларида у кўпинча район аҳолиси ўртасида турли темаларда суҳбат ўтказади, маданият уйида савол-жавоб кечалари уюштириб туради.

Украин қизи Александра 1937 йилда Саратовдаги медицина институтини тамомлади-ю, медицина кадрларига эҳтиёж сезилаётган ўлкага бориб ишлаш истагини билдирди. Унга Ўзбекистонга йўлланма берилди. Меҳнатсевар врач ўшандан буён район аҳолисининг сиҳат-саломатлигини сақлаш йўлида жон куйдириб фидокорлик билан ишлаяпти. Александра иш даврида ўзбек тилини ўрганди. Район шароитини, уердаги кишиларни ўрганди. Шунинг учун ҳам у бугун ҳар бир кишининг меҳрмуҳаббатига сазовор бўлди.

Врач А. И. Назаровнинг бу хизматлари бир неча марта тақдирланди. У Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фаҳрий ёрлиқлари ва медаллар билан мукофотланди.

Яқинда бу жонкуяр врач Ленин ордени билан мукофотланди. Юксак мукофот ишчан врачнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди. Шу кунларда у коммунистчасига ижодий меҳнат қилишнинг юксак намунасини кўрсатмоқда.

Х. СОДИҚОВА.

8 МИЛЛИОН ЖЎЖА

Республикамиздаги инкубатория-паррандачилик станциясининг ходимлари 1959 йилдан буён йил бўйи жўжа очириш усулини қўллана бошладилар. Ўтган йили эса 7 миллион 100 мингтадан кўпроқ жўжа очирилиб, план 110 процент адо этилди. Шунингдек колхоз ва совхозларга жўжа сотиш плани ҳам анча оширib бажарилди.

Бу йил январь ойининг охирларидаёқ инкубатория-ларда жўжа очирила бошлади. Каттақўрғон, Жиззах, Шаҳрисабз ва Бухоро паррандачилик фабрикалари ўтган йилдагидан анча аввал жўжа сотабошладилар.

Инкубатория-паррандачилик станцияларида ва паррандачилик фабрикаларига янги ускуналар келтирилганлиги туфайли жўжа очириш планини анча оширib бажариш имконияти вужудга келди. Планга мувофиқ, бу йил станциялар ва паррандачилик фабрикаларида ҳамда Мирзачўлдаги паррандачилик совхозида 8 миллиондан кўпроқ жўжа очирилади. Шундан 7 миллион 618 минг бош жўжа республика колхоз ва совхозларига сотилади. Қолган қисми эса шу хўжаликларнинг ўзида парвариш қилинади.

Область қишлоқ хўжалик бошқармалари инкубатория станциялари ва паррандачилик фабрикалари янги техника билан жиҳозланганлигини ҳисобга олиб, пландагидан анча кўпроқ миқдорда жўжа очирилишига эришмоқлари лозим.

Бу йил гоз ва ўрдак ҳамда курка жўжаларини очиришга кўпроқ эътибор берилади. Республикада бир неча ихтисослаштирилган ўрдак ва курка фермалари ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

Етти йилликда паррандачиликни кескин даражада ривожлантириш учун ғаллакор районларда йирик ихтисослаштирилган паррандачилик фермалари ва махсус совхозлар тузилади. Колхозларнинг фойда келтирмайдиган кичик фермалари ўрнига ҳар бири 10-15 мингта паррандага эга бўлган колхозлараро фермалар тузилади. Бундай йирик фермаларда комплекс механизацияни жорий этиш, илғор усулларни кенг қўлланиш ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш имконияти беқиёс ортади.

Сурхондарё областидаги Чироқчи, Андижон областидаги Хўжаобод, Самарқанд областидаги Булунғур ва Жиззах, Қорақалпоғистон АССРдаги Тўрткўл районлари паррандачилигининг ташаббуси диққатга сазовордир. Бу районларда колхозлараро паррандачилик фермалари тузилди. Булунғур колхозлараро фермасида 10 минг бош парранда бор. Ферма ўз инкубаторисига эга.

Навоий районидаги Свердлов номли колхозда йирик паррандачилик фермаси ташкил қилинган. Бу ерда товуқлар сони йил сайин кўпайтирилмоқда. 1958 йилда 2000 та товуқ бор эди. 1960 йилда тухумлайдиган товуқлар сони 15 мингтага етди. Колхоз етти йилликнинг охирига бориб, паррандаларни 40 мингтага етказиш ни планлаштирди.

Паррандачилик фермаларига мунтазам эътибор берилса ва фермада товуқлар, ўрдак ва гозлар, куркалар кўпайтирилсагина бундай ферма хўжаликка катта даромад келтиради. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, паррандачилар аҳолига кўплаб парранда гўшти етказиб бериш учун имкониятлардан тўла фойдаланишлари, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишлари керак.

РЕЗЕРВЛАРНИ ТУЛА ИШГА СОЛИБ, МАҲСУЛОТНИ КУПАЙТИРАЙЛИК, ТАННАРХИНИ АРЗОНЛАШТИРАЙЛИК.

Р. МУРОДХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги чорвачилик инспекциясининг бош зоотехниги.

БАКЛИКОВНИНГ ТАКЛИФИ

Зомин районидаги 1-«Зомин» совхози ишчилари КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотларини мўлкўл қилишга янада кўпроқ ҳисса қўшишга аҳд қилдилар. Улар 1961 йилда 932 центнер парранда гўшти етиштириш, йил охирида 16000 та товуқ ва ўрдакни сақлаб қолиш мажбуриятини олдилар. Совхозда 125000 жўжа ва 5000 та ўрдакча боқиб ўстирилади.

Ҳозир совхозда 7000 та она товуқ бор. Парранда мослаштирилмаган биноларда боқилар эди. Натижада жўжалар нобуд бўларди. Совхознинг қурилиш инженери Алексей Андреевич Бакликов паррандахона қурилишининг янги оригинал конструкциясини таклиф қилди. Бу таклифга мувофиқ паррандахона 7000 бошга мўлжалланиб, қамиш ва ёғоч-тахта чиқиндиларидан қурилади. Янги паррандахона 5000 та товуққа мўлжалланган типовой паррандахонага нисбатан икки ярим баравар арзонга тушади.

Совхоз инженер Бакликов лойиҳаси билан иккита паррандахона қурди. Учинчиси ҳам яқинда фойдаланишга топширилади.

А. М. СИМИРНОВ,
агроном.

АТИЯХОН 20 ТОННА СУТ СОҒДИ

Уйчи районидаги Ленин номли колхозниг илғор сут соғувчиси Атияхон Каримова ўтган йили Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозниг сут соғувчиси Зуҳра Комилова билан мусобақалашиб, 18 бош сигирдан 90 тонна сут олган эди. Атияхон бу йил ҳар сигирдан 6 тоннадан сут олиш учун курашмоқда. Шу кунларда у ҳар сигирдан ўртача 18 килограммга етказиб сут согиб олмоқда. Ўртоқ Каримованинг йил бошидан буён согиб олган сути 20 тоннадан ошди.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ.

МУЗИКАЧИЛАР ОИЛАСИ

Тошкентнинг М. Горький кўчасидан ўтаётиб, 13-ҳовли ёнида беихтиёр тўхтаб қолдик. Бу ҳонадондан шўх ва ёқимли куй эшитиларди...

— Ким чаляпти экан-а?

— Абдунаби исмли ёш бола, — жавоб берди дугонам.

— Қандай яхши!

Бу куй бизни ичкарига бошлади. Абдунаби моҳир музика санъаткори Валижон аканинг тўнғич фарзанди.

У, Бетховен, Чайковский, Глинка, Шопен каби жаҳон музикаси классиклари асарларини чалиш усулини укалари Абдуваҳоб, Абдутофиқларга ўргатаётган эди. Унинг бармоқлари клавишлар устида чаққон ҳаракат қилиб, дилрабо куй таратарди. Куй... Дилларга ором ва илҳом бағишлагувчи куй. Ёш санъаткор Абдунаби Ҳошимов ҳозир музика мактабида педагоглик қилмоқда. Унинг укаси Абдуваҳоб ҳам музика ихлосмандларидан. У, акасига ўхшаб фортепианода эмас, скрипкада чалади. Мана, у ўйчан кўзлари билан нотага қараб, жажжи қўлларига тутган камонча билан Вивалдининг симфоник оркестр учун ёзган концертини машқ қилаётир. Абдуваҳоб яқинда ёш скрипкачилар кўригида қатнашиб биринчи ўринни олган.

Валижон аканинг кенжа фарзандлари Абдураззоқ, Абдутофиқлар ҳам ота касбини эгаллаш орзусида.

Валижон Ҳошимовнинг ўзи қарийб 30 йилдан буён най чалади, музика билан шуғулланади. Шу билан бирга ҳозир у Октябрь районидаги етти йиллик музика мактабида директор ҳам Тошкент Давлат консерваториясининг III курсида ўқимоқда.

Сиз радиодан «Боғ ичра», «Ёримсан», «Наво» каби лирик куйларни эшитгансиз, албатта. Бу куйлар ўзининг ёқимлилиги, нафислиги билан ҳар бир тингловчининг юрагига етиб боради. Унинг Улуғ Ватан уруши йилларида яратган «Зафар», «Қаҳрамон», «Жанговар» каби маршлари, «Ой бориб, омон келгил», «Ватан» (Т. Тўла шеърлари) «Майдон ичра» (Ҳ. Ғулом шеъри) қўшиқлари ўз вақтида солдатларга ғайрат ва шижоат бағишлади.

Партия ва ҳукуматимиз унинг бу хизматларини юқори баҳолади. В. Ҳошимов бир неча марта СССР санъатшунослик бошқармаси ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг ёрлиқлари билан мукофотланган.

Унинг юрак билан ёзиб, маҳорат билан ижро этган «Дорман» (Ҳабибий шеъри) «Кўнгил», «Нишона» (Навоий шеърлари) «Қачон бўлар тўйлари» (П. Мўмин шеъри) каби қўшиқлари ҳозир ҳам тингловчилар қалбини тўлқинлантиради. В. Ҳошимовнинг репертуари асосан найда ижро этиш учун мослаштирилган. Яқинда у най учун биринчи марта «Индамас» куйини яратди. Бу куй ҳам ўзининг жозибадорлиги билан тингловчиларни хурсанд эта олди. Вали аканинг санъат соҳасидаги энг катта хизмати шуки, у ўз оиласида бўлажак музикачиларни ўстирмоқда.

Д. МЎМИНОВА.

Чорвачиликни юксалтириш йўлида

Аҳоли жон бошига чорва маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан Фарғона области республикамизнинг бошқа областларидан кейинда қолмоқда. Бунинг сабаби шуки, чорвачиликни кескин юксалтириш, гўшт, сут, ёғ етиштиришни кўпайтириш учун бор имконият ва резервлардан тўла фойдаланилмаётир. Чорва маҳсулотларини ҳисобга олишда, тайёрлашда, давлатга сотишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Зотдор сигирлар сони тобора камайиб кетмоқда. Йирик шохли моллар подасида сигирлар 39 процентдан ошмайди. Қорамоллардан ҳар йили 11,5-12 минг бола олинади. Сақланиб қолинаётгани эса 7-8 мингга етар-етмасдир. Олтиариқ районидаги Охунбобоев номли колхозда январь, февраль ойларида туғилган 14 бузоқдан фақат иккитаси сақланиб қолган.

Жуда кўплаб қўйлар сабабсиз харажат қилинмоқда. Кўпгина колхоз ва совхозларда қўйларни боқишга етарли эътибор берилмайди. Қўйлар ўтсиз далаларга ҳайдаб юборилади, уларга ем-хашак етказиб беришга, озуқа рационига риоя қилинмайди.

Подалардаги моллар қисир қолмоқда ва кўплаб нобуд бўлмоқда. Ўтган йили 100 бош сигирдан ўртача 63 бузоқ, 100 совлиқдан 73 қўзи, 100 эчкидан 76 улоқ, бир она чўчқадан 13 тадан бола олинди. Натижада фермаларни мол сотиб олиб тўлдириш учун катта маблағлар сарфланмоқда. Ўтган йили колхоз ва совхозлар чорва моллар сотиб олиш учун 83 миллион сўм сарфладилар. Бу соҳадаги ярамас услуб пленум ва йиғилишларда танқид қилинганига қарамай, бу аҳвол кейинги кунларгача давом этиб келди.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми кўзбўямачилик ва алдаш фактларини қатъий қоралади. Лекин областдаги айрим колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари сут етиштириш ва сотишда давлатни алдаш йўлига тушиб олганлар. Косонсой районидаги «Ленин йўли» колхозида (раиси Ҳакимов) согиб олинган 453 минг 200 литр сутдан 194 минг литри бузоқ боқишга чиқариб ташланган, бошқача қилиб айтганда ҳар бир бузоққа белгиланган 180-200 литр ўрнига гўё 737 литрдан сут берилган. Яна шу ерда чўчқа болаларини боқишга 10 минг 700 литр сут сарфланди, деб кўрсатилган.

Қўқондаги Ленин номли колхозда согиб олинган 201 минг 963 литр сутдан бузоқларга 113 минг 130 литр сут берилди деб акт тузилган. Бу ерда ҳар бир бузоқ ичган сут 958 литрга тўғри келади. Шу райондаги Сталин номли колхоз раиси ўртоқ Ботиралиев Қўқон шаҳридаги магазинлардан 118 минг 400 сўмга 3985 килограмм эритилган сариёғ сотиб олган. Буларнинг ҳаммаси давлатга колхозчилардан сотиб олинган сут сифатида қайтадан сотилган. Ана шундай хатти-ҳаракат колхозга 36 минг сўм зарар етказган. Бундай аҳвол областнинг кўпгина хўжаликларида учрайди.

Область чорвадорларининг яқинда бўлган йиғилишида чорвачиликни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, бу соҳада кўзбўямачиликка кескин зарба бериш, олинган мажбуриятларни бажариш тадбирлари муҳокама қилинди.

Фарғоналик чорвадорлар КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, оширилган мажбуриятлар олдилар. Колхоз ва совхозларда чорва молларнинг туёғини кўпайтириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, маҳсулот етиштиришни ошириш тадбирлари кўрилмоқда. Поп районидаги Ленин номли колхознинг сут соғувчиси Норхон Йўлдошева, Олтиариқ районидаги «Ленинград» колхозининг сут соғувчиси Майхонча Сайфиддинова, Охунбобоев районидаги Охунбобоев номли колхоз чўчқабоқари Елезавета Яроцкая, Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг чўпони Аҳмад Мисиров, «Риштон» совхозининг чўпони Темир Иброҳимов ва бошқа илғор чорвадорларнинг бой тажрибалари кенг оммалаштирилмоқда.

И. ТЎХТАСИНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

БЕПОЁН ВАТАНИМИЗДА

ИСМИ—ЖИСМИГА МОНАНД

«Қўриқ ўлканинг марказн — Акмолинск шаҳрининг номи ўзгартирилиб, унга Целиноград номи берилди».

Бу хабарни ўқиб, ўзбек халқининг «Исми-жисмига монанд» деган мақоли кишининг ёдига келади.

Целиноград!

137 ёшга кирган бўлса ҳам кейинги 6 йилда қайтадан яшарган шаҳар.

Бундан олти йил илгари партия ва халқ иродаси билан совет кишилари Акмолинскдаги асрлар бўйи мудраб ётган қўриққа ҳужум бошлаган эдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг иқтисодий, маданий жиҳатдан юксала бошлаган бу шаҳар — шу йиллар давомида яна ҳам новқирон, яна ҳам бой, яна ҳам кўркам диёрга айланди. Ҳозир бу қўриқда 113 минг киши яшайди.

Революциягача ҳеч қандай саноати бўлмаган, майда артелларда 150 ҳунармандгина ишлаган бу шаҳарда ҳозир темир-бетон конструкциялари, силикат ғишти, «Кўзахсельмаш» заводлари ишлаб турибди. Йирик корхоналар, жумладан, гўшт, ун тортиш комбинатлари қурилмоқда.

Маданий ҳаётдаги ўзгаришларни айтмайсизми. Саккизта техникум, қишлоқ хўжалик институти бор. 26 мактаб, 12 касалхона, кутубхоналар, кинотеатр, клублар, маданият саройлари қўриқликлар хизматида. Шу йилнинг ўзида шаҳарда яна 60 минг квадрат метр уй-жой қурилади, 1500 хонадонга газ берилади.

Целиноград равнақи яна баланд.

ЯНГИ ХИЛ „МОСКВИЧ“

Москвадаги енгил автомобиллар заводида «Москвич» машинасининг янги 1963 йил модели тайёрланмоқда. Бу машина етти йилликнинг бешинчи йилида бош конвейердан туша бошлайди.

Ҳозирги кунда заводда «Москвич» автомобилининг келаси йилга кўчадиган 1962 йил моделини ишлаб чиқаришга киришга тайёргарлик кўрилмоқда. У ташқи кўриниши жиҳатидан бу кун ишлаб чиқарилаётган «Москвич-407» дан фарқ қилмайди. Аммо унга 1963 йил моделининг деярли ҳамма ички қисм ва механизмлари ишлатилади.

Бу моделдаги «Москвич»лар шу йилнинг 1 майига синаш учун чиқарилади.

МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР

Тбилисида 300 ўқувчига мўлжаллаб қурилаётган янги мактаб-интернат битай деб қолди.

Ҳозир Грузияда 40 мактаб-интернат бўлиб, буларда 10 мингдан кўпроқ бола ўқимоқда.

Бу йил яна 15 мактаб-интернат очилади.

Колхозлар янги типдаги ўқув юртларини барпо этишда актив иштирок этмоқдалар. Кўп районларда колхоз маблағлари ҳисобига мактаб-интернатлар барпо этилмоқда.

МОСКВАДА АНГЛИЯ ВА ФРАНЦИЯ ВИСТАВКАЛАРИ ОЧИЛАДИ

СОКОЛЬНИКИ... Бу адресни Америкада, Чехословакияда, Японияда, ҳуллас Москванинг шу паркида виставка очган бошқа мамлакатларда яхши биладилар. Шу кунларда ҳам Сокольникида иш қизғин. Паркда иккита катта-катта янги павильон қуриляпти. Павильонлар 12,5 минг квадрат метр жойни эгаллайди. Ана шу икки павильон ва илгариги виставкалардан қолган павильонларда Англия ва Франция виставкалари жойлаштирилади.

Англия виставкаси 17 майда очилиб 4 июлгача давом этади. Виставкада 300 инглиз фирмаси қатнашиб, ўзининг турли саноат маҳсулотлари ва кенг истеъмол молларини намойиш қилади. Англия виставкаси ҳажми, экспонатларнинг сони жиҳатидан Америка виставкасидан икки баравар катта бўлади.

15 августда бу ерда Франция миллий виставкаси очилади. Виставка мамлакат давлат тузумини, министрликлар фаолиятини акс эттиради, фан, маданият ва санъатни кўрсатади.

Икки минг киши сиғадиган кинозалда Франция ҳақида ҳужжатли фильмлар намойиш қилинади. Виставкада енгил ва оғир саноат моллари асосий ўрин тутади.

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Қозон шаҳридаги гармон фабрикасига СССРнинг барча шаҳарларидан ҳар куни ўнлаб хат келади. Бу хатларда бастакорлар, ҳаваскорлар фабрика ишлаб чиқараётган гармоннинг Закавказье ва Ўрта Осиё халқлари куйларини ижро этишга жуда қулайлиги қайд этилади. Бу юксак баҳодан руҳланган завод ишчи ва хизматчиларидан Г. Ф. Лутошкин, С. Б. Шайдуллин ҳамда Н. П. Менякин ўртоқлар шу халқларнинг куйларига мослаб аккордион тайёрладилар. Москвада Бутун Иттифоқ улгуржи-савдо ярмаркасида бу аккордион юқори баҳо олди. Фабрика коллективи янги музика асбобини кўплаб ишлаб чиқара бошлади. СУРАТДА: Г. Ф. ЛУТОШКИН ва технолог Н. ПРОКОФЬЕВА янги аккордионни кўздан кечирмоқдалар.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ТАШАККУРГА ЛОЙИҚ КИШИ

Халқимиз пахтани «оқ олтин» деб бечиз айтмаган. Унинг энг қимматбаҳо маҳсулот эканлиги тўғрисида ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида завқ билан сўзлади.

Меҳнатсевар пахтакорларимиз эрта баҳордан кузгача меҳнат қилиб, ана шундай қимматбаҳо «оқ олтин»ни етиштириб келмоқдалар. Ўзбекистонимизнинг ҳар бир меҳнаткаши пахтанинг ҳар бир граммини авайлаб териб олишга ҳисса қўшади ва унинг ҳар бир граммини қадрлайди. Яқинда Тошкент шаҳрида қизиқ воқеа рўй берди.

2-группа инвалиди Нурмат Тошмуҳамедов эрталаб уйдан чиқиб, Ҳамза кўчаси бўйлаб борар эди. Ёзлик «Ватан» кинотеатри рўпарасида бир қанор пахта кўчанинг ўртасида ётганини кўриб қолди. Қанор йиртилиб, пахтанинг бир қисми ерга тўкилган. Нурмат Тошмуҳамедовнинг юраги эзилиб кетди. Дарҳол тўкилган пахтани қанорга солиб, кўча четига судраб чиқди-да, машина излай бошлади. Ўтиб бораётган бир юк машинасини тўхтатиб, шоферига воқеани тушунтирди. Шофер ҳам жонкуяр йигит экан, дарҳол машинага қанорни ортишди.

Фурқат кўчасига киравериш-да яна тўрт қанор пахта йўлда ётган экан. Уни ҳам машинага олиб, Октябрь район милиция бўлимига олиб боришди. Ҳалиги шофер — Калинин районидаги «Ленинизм» колхозининг аъзоси Анвар Шаропов зарур иш билан бораётганини айтиб, чиқиб кетди. Нурмат Тошмуҳамедовнинг тахминича, кўчада яна пахта бўлса керак. У район бўйича масъул навбатчи старший лейтенант Усмон Шокиров билан бирликда Рафиқ Ҳамидов шофер бўлган машинага ўтириб, Фурқат кўчасининг нариги томонига йўл олди. Дарҳақиқат Қоратош остановкасида бир қанор, Бешёғочдаги универмагнинг нариғида 11 қанор пахта ётган экан. Уларнинг ҳаммаси район милиция бўлимига келтирилди.

Орадан анча вақт ўтгач, район милиция бўлимига бир йигит кириб келди ва ўзини таништирди. У Жанубий Қозоғистон область Ильичевский районидаги 2-автобазанинг шофери Иван Григорьевич Романенко экан. Шу областнинг Киров районидаги «Қизилқум» совхози пахтасини прицепли катта машинада Келес пахта заводига тунда ташиб келаётганида, тушиб қолган қанорларни сезмаган экан. У пахтани ардоқлаб сақлаб қўйган кишиларга ташаккур айтди ва 18 қанор пахтани машинага ортиб, олиб кетди.

Ўзининг зарур ишларини ташлаб, нотоб ҳолига қарамай, халқ бойлигини сақлаш тўғрисида шунчалик ғамхўрлик қилган Нурмат Тошмуҳамедов умумхалқнинг ташаккурига лойиқ кишидир.

С.ТОИРОВ.

КЕЛАЖАК КОММУНИЗМНИКИ

Озодлик байрами олдидан

БУДАПЕШТ, 22 март. (ТАСС). 4 апрель яқинлашиб келмоқда. Бу кунда Венгрия меҳнаткашлари мамлакат озод қилинган кунининг 16 йиллигини нишонлайдилар. Ажойиб кун шарафига Венгрия меҳнаткашлари кўп корхоналарда байрам олди мусобақасини бошлаб юбордилар.

Ленин номли металлургия комбинатининг коллективи Озодлик кунининг 16 йиллиги шарафига шу йилнинг биринчи кварталида пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан олинган йиллик мажбуриятнинг 40 процентини бажаришга қарор қилди. Комбинатнинг пўлат эритувчилари ва прокатчилари муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар. Улар йил бошидан бери мўлжалдагидан 20 миллион форинтлик ортиқ маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Бугун Комло шахтёрлари байрам олди вахтасида гуриб ишлай бошладилар. Улар пландан ташқари кўмир чиқариш юзасидан йиллик мажбуриятларининг учдан бир қисмидан кўпроғини ҳозирдаёқ бажардилар. Улар 4 апрелгача қолган кунларда меҳнат унумдорлигини янада оширишга интилмоқдалар.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ОЛМАОТАДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

ПРАГА. Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ОЛМАОТАДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ ЧЕХОСЛОВАКИЯ ЖАМОАТЧИЛИГИНИ НИҲОЯТ ҚИЗИҚТИРДИ. Прагада бугун чиққан газеталарнинг ҳаммаси ана шу нутқнинг баёнини энг кўзга кўринарли ўринларда босиб чиқардилар. Чехословакия матбуоти СССРда қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, ўртоқ Хрушчев ана шу мўл-кўлчиликнинг жуда бой манбаини биринчи бўлиб кашф қилди, деб уқтириб ўтади.

«Млада фронта» газетаси Н. С. Хрушчев нутқининг моҳиятини белгиловчи сўзларни — «Келажак коммунизмники» деган сўзларни сарлавҳа ўрнида берган.

ВЕНА. ВЕНА ГАЗЕТАЛАРИНИНГ КЎПЧИЛИГИ БУГУН Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИНИНГ БАЁНИНИ БОСИБ ЧИҚАРДИ.

Газеталар Н. С. Хрушчев нутқининг Совет Иттифоқининг тинчлик учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун олиб бораётган курашини характерловчи қисмларига алоҳида эътибор бермоқдалар.

«Нейес эстеррейх» газетаси Н. С. Хрушчевнинг нутқини шарҳлаб, «Хрушчев уруш бўлмасин демоқда» деган сўзларни сарлавҳа қилиб берган.

ВАРШАВА. СОЦИАЛИЗМНИНГ ТИНЧ ЭКОНОМИКА СОҲАСИДА КАПИТАЛИЗМ БИЛАН ҚИЛАЁТГАН МУСОБАҚАСИДА СОЦИАЛИЗМ КИШИЛАРГА КАПИТАЛИЗМГА НИСБАТАН КЎПРОҚ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ НЕЪМАТЛАР БЕРА ОЛИШИНИ ИСБОТ ЭТАДИ. Польшада бугун чиққан газеталарнинг ҳаммаси Н. С. Хрушчевнинг Қозоғистон қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашида сўзлаган нутқидаги ана шу фикрни, алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқда

«Трибуна люду» газетаси Н. С. Хрушчевнинг қуйидаги сўзларини алоҳида кўрсатиб ўтади: Совет халқи коммунизмга уруш орқали бормаётир. Биз ҳеч кимдан қўрқмаймиз ва ҳеч кимга таҳдид қилмаймиз. Бунинг аксича, биз умуман уруш бўлмасин. деб ҳаракат қилмоқдамиз. Биз қуролсизланишни таклиф этмоқдамиз ва ёппасига ҳамда батамом қуролсизланиш тўғрисидаги совет таклифлари қабул қилинган тақдирда контроль ўрнатишнинг ҳар бир шартини кабул қиламиз.

А. А. Громико Э. Стивенсон билан учрашди

НЬЮ-ЙОРК. 23 март. (ТАСС). 22 март кунининг иккинчи ярмида бу ерда БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясидаги совет делегациясининг бошлиғи, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Қўшма Штатларнинг БМТдаги доимий вакили Стивенсон билан учрашди.

Кубада контрреволюцион шайка қамоққа олинди

ГАВАНА. 22 март. (ТАСС). Революцион қуролли кучлар ва халқ милицияси отрядлари Эррадура деган жойда (Пинар-Дель-Рио вилояти) яширин равишда моторли яхтадан Кубага тушишга уринган контрреволюционерлар шайкасини қўлга туширдилар. Қамоққа олинганларнинг тўрттаси кубалик ва биттаси америкалик. Қамоққа олиш вақтида уларнинг ёнидан қурол-яроғ ва радиостанция топилди.

ИСРОИЛ ПАРЛАМЕНТИ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛДИ

ТЕЛЬ—АВИВ. 22 март. (ТАСС). Кеча Исроил парламенти (кнесети) депутатлари 4-чақириқ кнесетни тарқатиб юбориш ва мамлакатда муддатидан илгари 15 августда парламент сайлови ўтказиш ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллади.

Бу қарор январь ойининг охирида истеъфо берган собиқ бош министр Бен-Гурионнинг янги ҳукумат тузиш йўлидаги бир ярим ойлик самарасиз уринишларидан кейин қабул қилинди. Агар ҳукумат тузиш Бен-Гурионга топшириладиган бўлса. Мапай партияси билан коалиция тузишга бирорта ҳам партия рози бўлмади.

ЧЭТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

⊙ Ҳиндистонда Юнайтед Ньюс оф Индиа (ЮНИ) деган янги агентлик ташкил қилинди. Бу агентлик хусусий ва давлат манбаларидан маблағ билан таъминланади.

⊙ Англия ва Уэльс аҳолисининг сони 1959 йилда 45.504 минг кишини ташкил этди.

⊙ Ҳозирги вақтда Япониядаги ҳамма оилаларнинг 36,3 проценти уй-жой шароитининг ёмонлиги натижасида оғир аҳволда яшамоқда. Квартира ҳақи ўрта ҳисобда оила умумий даромадининг 8,8 процентини ташкил этади.

⊙ Бу йил Белградда Студентлар уйи қурила бошлайди. Белград университети кенгаши бу уйга Африканинг мустамлакачил и к к а қарши улуғ курашчиси Патрис Лумумба номини беришга қарор қилди. Студентлар уйида асосан Белградда ўқиётган чет эл студентлари яшайди.

⊙ Парламент аъзоси бўлган 60 лейборист Шимолий Ирландия бош министри Брукборога телеграмма юбордн. Улар бу телеграммада суд қилинмасдан ва айб қўйилмасдан туриб. Бельфаст тюрьмасига қамаб қўйилган сиёсий маҳбусларнинг озод қилинишини талаб этадилар.

⊙ Болгария Халқ Республикаси ва Бразилия ҳукуматлари иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатадилар. Бирбирларига вакиллар даражасидаги дипломатик вакилликлар юборишга қарор қилинди.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XV СЕССИЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 22 март (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг кеча эрталабки мажлисида А. А. Громико нутқидан кейин Бразилия вакили Фрейтас Валлега сўз берилди. Бразилия вакили Конгодаги фожиаларга тўхталиб айтдики, мамлакатимизнинг мустақиллиги йўлидаги содиқ курашчи Лумумбанинг ўлдирилишини халқаро миқёсида энг оғир жиноят деб қоралайди.

Шу билан бирга Фрейтас Валле Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўшинларининг Конгодан олиб чиқиб кетилиши «халокатга баравар бўлур эди» деб даъво қилди.

АҚШ вакили Стивенсон совет делегацияси бошлиғининг фактларга бой нутқи делегатларда қолдирган кучли таассуротни бўяб кўрсатишга уринди. У, социалистик давлатлар ва Осиё - Африка давлатларининг Конгодаги аҳвол масаласини муҳокама қилишни каттик талаб этганликларидан норози эканлигини айтди. Америка делегати «музокараларни жуда чуқурлаштириб юбормаслик»ка чақириб, Бош Ассамблеянинг эътиборини Конго Республикасига қарши қилинган агрессияга доир конкрет фактларни муҳокама қилишдан четга тортмокчи бўлди.

Стивенсон Хавфсизлик Кенгашининг резолюцияси н и бажа р и ш да «Бирлаш г а н Миллат л ар Ташк и лоти эришган муваффақиятлар»ни мақтаб гапирди ва Хаммаршельднинг фаолиятини кўкларга кўтариб мақтади.

Стивенсон «Конгодаги маҳаллий йўлбошчиларнинг истакларини эътиборга олиш»га даъват этиб, Чомбе ва Калонжи каби сепаратчиларни ва жиноятчиларни ўз ҳимоясига олди.

Чехословакия ташқи ишлар министри В. Давид мустамлакачиларнинг Конгодаги қонли жиноятларини фош қилиб ташлади. Чехословакия ҳукумати, деди у, дунёдаги барча халқларнинг биргаликда ҳаракат қилиши йўли билан барча империалистларнинг кирликорларини барбод этиш ва Конго халкининг эркинлиги ҳамда мустақиллигини ҳимоя қилиш мумкин, деб ҳисоблайди. Бельгия қўшинларининг тез орада Конгодан олиб чиқиб кетилишига эришиш ва ажнабийларнинг бу мамлакат ички ишларига аралашувини тўхтатиш зарур.

Конгодаги аҳвол, деди у, дарҳол ва қатъий чоралар кўришни талаб этади. Конго халқининг манфаатлари ҳам, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш манфаатлари ҳам анэ шуни тақозо этади.

Эрталабки мажлис ёпилиши олдидан бельгиялик мустамлакачиларнинг вакили Совет Иттифоқи шаънига туҳмат гаплар айтди.

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

Одамфурушлар

Яқинда Японияда одам олиб, одам согадиган бир группа савдогарлар қўлга тушди. Канагава префектураси полициячиларининг хабарига кўра, инсонфурушлар бир неча йилдан бери Кюсю оролида яшовчи камбағал шаҳтёрлар оиласининг қизларини тузоққа илинтириб келдилар. Юзлаб муштипар қизлар Атами ва Осака курортларида жойлашган фоҳишахоналарга сотилди. 1958 йил октябрдан 1960 йил ноябргача инсонфурушлар қул савдосидан 1.5 миллионга яқин иен фойда кўрдилар.

«Иомиури» газетасининг хабар беришича, бундан 3-4 ой муқаддам қул савдогарларининг яна бир катта группаси қўлга тушган эди. Улар 161 қизни алдаб фоҳишахоналарга пуллаганлар.

1958 йил 1 апрелда Япония ҳукумати фоҳишаликни тақиқлаган қонун қабул қилган эди. Бироқ, қул савдосидан катта фойда оладиган шахслар бу қонунга итоат этмаяптилар. Аксинча улар қонунни бекор қилишни талаб қилаётирлар. Шу йилнинг бошларида мамлакатда фоҳишаликни тақиқлаш ҳақидаги қонун бекор қилинармиш деган овозалар тарқалди. Шундан бери инсонфурушларга фоҳишахона эгаларига жон кирди. Бу идлослар ўз эшикларига «Қизил чироқ» ёқиб, бечора япон қизларини яна очиқ таҳқирлашни ва мазлумалар ҳисобига чўнтак тўлдиришни орзу қиляптилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

25 МАРТДА

18.30 **Костёр** (телевизион журнал). 19.10 — **Сўнгги ахборот** 19.30 — **Концерт.** 20.30 — **Леон Гаррос дўстини қидиради** номли кинокомедия. 22.00 — Қўшиқчи композитор **Борис Монроусов.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/III да эрталаб **Маскарад**, кечқурун **Мас. харабозлар** ва **Концерт бўлими**, 25/III да эрталаб **Доктор Айболит**, кечқурун **Кармен.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/III да **Олма гуллаганда**, 25/III да эрталаб **Фурқат**, кечқурун **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—24/III да **Равшан ва Зулхумор**, 25/III да эрталаб **Паранжи сирлари**, кечқурун **Олтин қидирувчилар.**

КИНО

Олтин калид (эрталаб соат 10 да), **Кўр ўғли** (эрталаб 11 ярим, кеч 6 ярим ва 8 да), **Қор устидаги гул** (кундуз ва кечқурун) — «ВАТАН».

Эҳтиёт бўлинг, бувн! — «МИР».

СОВИР РАҲИМОВ номли, «ДРУЖБА» (2- залда), «ИСКРА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 4 дан), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 3, кеч 7 ва 9 да).

Рижик — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз 4 гача), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч 5 гача).

Мундирсиз солдатлар — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 5 дан).

Шовқин-суронли кун — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 3, кеч 8 ва 10 да).

Уч денгиз оша — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида

24 мартдан 31 мартгача

КАТТА ЦИРК

томошалари

АРСЛОНЛАР

АТТРАКЦИОНИ

Арслонларни ўргатувчи—**Владимир Борисов.**

Жаҳон экс-чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери

ГРИГОРИЙ НОВАК

гастролининг давоми.

Томошалар давомида қизиқчи артист ака-ука **Ширманлар** қатнашади

Томошалар: кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда бошланади. Якшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12.3 ва кеч 7 яримда.

«ХЛОПКОВОДСТВО»

(«ПАХТАЧИЛИК») ЖУРНАЛИГА

ОБУНА БУЛИНГИЗ

Бу журнал илгор фан ва практиканинг пахтачилик соҳасидаги ютуқларини пропаганда қилади, ишлаб чиқариш экономикаси ва ташкил қилиш, комплекс механизация, агротехника, селекция ва уруғчилик, суғориш ва мелиорация масалаларини ёритади.

Чет эллардаги пахтачилик ҳақида материаллар босади.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа бўлимлари ва контораларида, шунингдек жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан йил бўйи (исталган ойдан) қабул қилинади.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

Кўр музикачи

НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ

В. Г. Короленко повести асосида ишланган.

Сценарий автори — **И. Маневич.**

Постановкачи режиссёр — **Татьяна Лукашевич.**

Оператор — **В. Масевич.**

Ролларда:

Борис Ливанов, Василий Ливанов, Марина Стриженова, Л. Қурдюмова, Ю. Пузирев, А. Грибов, С. Блинников, В. Мурганов В. Грачёв, Н. Кондратьев. Н. Козинин, А. Смирнов, Пётр болалигида — **Серёжа Шестопалов,** Эвелина болалигида — **Марина Куракоовалар** қатнашади.

Фильмни «Мосфильм» киностудияси 1960 йилда ишлаган.

Тошкентдаги

1.АВТОКОМБИНАТГА

3 йиллик стажи бўлган II ва I класс **шофёрлар, 2, 3, 4, 5-разрядли автослесарлар, бухгалтер, старший бухгалтер**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Малобешагаческая кўча, 111-уй (9, 11- трамвайнинг «Киров номли парк» остановкаси).

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ТЕХНИКУМИ

Ўрта мактабнинг 7 ва 10-синфини тамомлаб, техникумга киришни истаган кишиларни

ПУЛЛИК 3 ОЙЛИК

тайёрлов курсига

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш 1 апрелдан бошланади.

Адрес: 2-Сарикўл кўча, 3-уй (9-автобусда борилади).

Керакли маълумотлар 26-030 телефон бўйича қўшимча 40-85-телефон орқали сўралсин.

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

28 мартда

педагогика факультетини тамомлаб чиққан ўртоқлар билан

ТРАДИЦИОН

учрашув кечаси

Ўтказади. Кеча соат 8 да бошланади.

«ЎЗБЕКГИДРОСТРОЙ» ТРЕСТИГА

Ўзбекистон ССР нинг йирик ирригация қурилишларида ишлаш учун **инженерлар** ва техниклар: **гидротехниклар, қурувчилар, механиклар, энергетиклар,** меҳнат инженерлари, **экономист-плановиклар, бухгалтерлар**

керак

Тошкент шаҳар, Полиграф кўча, 1-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Черемушка кўча, 7-подъезд, 79-квартирада турувчи **Мирзаахмад Қиличхоновнинг** Собир Раҳимов кўчаси, 127-уйда турувчи Ойша Мирахмедовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-участка халқ судида кўрилади.

1961 йил 5 апрель кундуз соат 3 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Геология-кимё фанлари бўлимининг геология бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 15-уй, кичик конференц-зал)

Д. И. Ҳусанбоев

геология-минералогия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш шучун: «Шимол-шарқий Фарғона кайнозой молассаларининг литологияси» деган темада

диссертация ёқлайди

Диссертация билан Геология институти кутубхонасида танишиш мумкин (Сталин кўчаси, 33-уй).

Шаль-Ботвинник матчи

МОСКВА, 22 март. (ТАСС). Ботвинник — Таль ўртасидаги матчининг тўртинчи партияси 41-юришда Ботвинник қўли баланд ҳолда кечиктирилди.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:

ТОШКЕНТ,

«Правда Востока» кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 29.005. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 31226. Эълонлар — 28142.

«Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р-09092. Нашр. Б. 69.

Редактор И. РАҲИМОВ.